



ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

## СЎФИ ОЛЛОЁР ИЛОХИЁТИ

### I ҚИСМ

## ЖАМИЯТ ВА БУРЧ

Тошкент-2001

**ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ.** Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм  
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2001,  
80 бет.

Масъул муҳаррир:

Зоҳидулло Мунавваров,  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Такризчилар:

Абдулазиз Мансур, Тошкент Ислом университети проректори  
Ботирхон Валихўжаев, Ўз ФА академиги, профессор  
Нажмиддин Комилов, филология фанлари доктори, профессор  
Наим Норқулов, тарих фанлари номзоди, доцент

XVII-XVIII асрларда яшаб ўтган улуғ мутафаккир, илоҳиётчи олим ва шоир Сўфи Оллоёнинг "Маслак ул-муттақин", "Сабот ул-ожизин" "Мурод ул-орифин" ва "Махзан ул-мутеъин" китоблари азалдан халқ ичидагужда машҳур. Мустақиллик шароғати билан алломанинг номи, қадри тикланди. Шу давргача унинг ижоди ҳақида баъзи мақолалар эълон қилинган бўлсада, аммо мутафаккир даҳоси, унинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳануз мукаммал ёритилмаган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган рисола "Сўфи Оллоёр илоҳиёти" номли икки қисмдан иборат монографик тадқиқотнинг биринчи қисми бўлиб, унда айнан XVII асрнинг иккичи ярми - XVIII асрда ҳукм сурган маънавий мухит ва улуғ бобокалонимизнинг маънавиятимиз юксалишига қўшган салмоқди ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

©Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тикашга бўлган узлуксиз эътибор мустабид шўро тузуми томонидан атай ажратиб ташланган ўтмиш маънавияти қирғоқларига кўпrik кўймоқда. Айниқса, дин равнақига ҳисса қўшган юртдошларимиз ҳаёти ва илмий меросининг кенг тадқиқ этилаёттани, хорижда ислом дунёсининг буюк даҳолари қаторида эъзозлаб келинган аждодларимизга ворислик шаъни ҳалқ маънавиятида чексиз фахр-гурур туйгуларини ўстирди. Йилдан – йилга сони тобора ортиб бораётган алломаларнинг юбилейлари ўзбек ҳалқи маънавий салоҳиятигининг нақадар буюк эканлигидан далолат беради. Аҳамиятили томони шундаки, буюк аждодларимизнинг шахсини ўрганиш жараёнида ўз-ўзидан улар яшаган давр тарихи ва маънавиятигининг, ҳудудий илм-фан тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳам ойдинлашиб бормоқда. Дарҳақиқат, Юргашимиз таъкидлаганларидек, “Тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлқанинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тикаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тикаш ва ўстириш жараёнида фоят муҳим ўрин тутади”<sup>1</sup>. Яқин-яқинларгача даҳрий тузумнинг манфаатларига мос қолилларда шаклланган ислом тарихи, ислом мағкураси, Шарқ фалсафаси, қалом, назар, тасаввуф илмлари билан боғлиқ тасаввурлар чок-чокидан сўклилиб кетди. Кейинги йилларда номлари тикланган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш баробарида яна юзлаб буюк даҳоларимизни кашф этдик. Ҳар бир алломанинг қадрсизланган номи, унинг жаҳон тамаддуни ёинки ислом илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси аниқланган сари, ҳалқимизнинг буюк тарихи сайқалланиб, тарих босқичларида рўпара келган турли ёт мағкуралар, назариялар, фалсафий оқимлар шиддатига кўкрагини қалқон қиласан мард ўғлонлари беҳисоб эканлиги ўзини янада равшанроқ намоён этмоқда.

Шундай инсонлардан бири XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган юртдошимиз, илоҳиёт олими,

<sup>1</sup>И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 140-б.

мутафаккир ва шоир Сўфи Оллоёрдир. Мустабид шўро тузумининг даҳриёна сиёсати туфайли у мутаассиб диний-мистик шоир сифатида қораланиб, ижодига холис муносабатда бўлишга йўл қўйилмади. Номи кейинги авлодларнинг хотирасидан буткул ўчиб кетиши учун ҳеч нарса аялмади.

Охирги даврларда Сўфи Оллоёр ҳақида ёзилган тадқиқотларда у суфий шоир, баъзиларида ҳатто мутасаввиф шоир деб ҳам аталмоқда. Бунга унинг «Сабот ул-ожизин» асарида илохиёт масалаларини суфийларга тушунтириб бергани ва суфийлик моҳияти ҳақида «Мурод ул-орифин» номли ўта илмий китоб ҳам ёзганлиги сабаб бўлган дейиш мумкин. Гарчи у тариқат пирлари кўлида тарбия кўрган ва камолот даражасига етган бўласада, аммо ўзини суфий деб атамаган, пирлик даъвосини қилмаган, муридлар тўпламаган ва ҳеч кимга иршод бермаган. Ул зот ҳақида бирорта ҳам маноқиб ёзилмаган. Тазкираларда унинг ҳаёти ва асрлари ҳақида қисқа маълумотлар бериш асносида номи ниҳоятда улуглансанда, силсилавий борганиши ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Аммо XVI асрнинг машҳур суфийси, тариқат пири Маҳдуми Аъзамдан кейин унгача ўтган неча машҳур пир-муршидларнинг (Маҳдуми Аъзамнинг ўзи олтмиш пир тарбиялаб чиқарган!), жумладан, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Ҳидоятуллоҳ Офоқхўжа, Мусохон Даҳбедий, Шайх Ҳабибуллоҳ ва Ғулом Али Шоҳ Мужаддидийларнинг тариқатдаги хизматлари бекиёс эсада, номлари Сўфи Оллоёр даражасида машҳур эмас. Унинг номи ҳалқаро миқёсда эътироф ва эҳтиромга сазовор бўлгандир. Бобораҳим Машраб у билан сұхбат қуриш истагида уч марта излаб борганилиги маълум. Икки юз йил давомида китоблари мадраса ва тарбия ўчоқларида асосий қўлланма ва дарслик сифатида ўқитиб келинган.

Бу тафсилотлар Сўфи Оллоёрнинг Мовароуннаҳр ижтимоий-мальавий ҳаётида ўзига хос ўрни борлигини, унинг шахсияти, маслаги ва дунёқараши масалалари чуқур ўрганилиши лозимлигини кўрсатади.

Мустақиллик шарофати ўлароқ, ҳалқнинг буюк фарзандлари қаторида Сўфи Оллоёр қадри ҳам тикланди. У иқтидорли шоир сифатида адабиёт дарсликларидан муносаби ўрин олди. “Сабот ул-ожизин” асари бир неча марта нашр этилди<sup>2</sup>. Бир қанча катта-кичик

---

<sup>2</sup> Сабот ул-ожизин. Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний. Тошкент, Мехнат, 1991; Ўша асар. Нашрга тайёрловчи Р.Зоҳид. Тошкент, Чўлпон, 1993.

тадқиқотлар эълон қилинди<sup>3</sup>. Ушбу хайрли ишлар халқни Сўфи Оллоёрнинг адабий мероси таҳдими ва шоирлик иқтидори билан таниширишга йўналтирилган эди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган рисолада эса бобокалонимизнинг илмий, ижтимоий фаолияти, ҳаётий фалсафаси, суфиёна зътиқоди ва маърифати хусусида сўз боради.

Фойдаланилган манбалар ҳақида шуни айтиш мумкинки, "Сабот ул-ожизин"дан олинган иқтибосларда унинг Техрон нашрига суюниди. Ушбу нашр танқидий матн бўлмаса ҳам, турли давр ва ҳудудларда нашр этилган машҳур саккиз нусха билан чоиштирилиб тўлдирилган. "Маслак ул-муттақин" асаридан фойдаланишда қўлимизда сакланадаётган муаллиф вафотидан эллик йил кейин кўчирилган музтабар нусха ва муаллиф ўз қўли билан ҳошияда шарҳлаган асл нусхадан Ҳожи Абдурауф бин Абдулнаби чоп этган тошбосма нусхага, "Мурод ул-орифин"нинг эса қўлимиздаги ўтган аср бошида чоп этилган тошбосма нашрига асосландик. Таниқли шарқшунос олим М. Ҳасанийнинг "Сабот ул-ожизин" асари нашрига ёзган сўзбошисида ушбу асарга Тоҷиддин Ёлчигул ўели томонидан ёзилган "Рисолаи Азиза" номли шарҳдан ташқари, мустабид шўро тузуми тазиикидан қочиб умрини муҳожирилиқда ўтказишга мажбур бўлган марҳум ватандошимиз Сайид Ҳабибуллоҳ ал-Фарғонийнинг ҳам "Ҳидоят ут-толибин" номли шарҳи мавжудлиги ҳақида хабар берилган. Мутаассифона, бу шарҳ бизда йўқлиги туфайли истифода эта олмадик. Аммо тадқиқот жараёнида қўлимизда мавжуд шарҳлар, жумладан, Тоҷиддин Ёлчигул ўелининг "Рисолаи Азиза", Салоҳиддин ибн Ровии Салимийнинг "Иршод ул-сьизин" ва Убайдуллоҳ ибн Исломқулиниг "Сабот ул-ожизин шарҳи"дан танқидий фойдаланишга ҳаракат қилинди. Форс тилидаги матнлар кири имлосига ўтирилганда илмда афзал деб қабул қилинган транслитерация қоидаларига мувофиқлаштириди.

Биз ушбу рисолани ёзишга даъват этган ва ҳар томонлама қўлмаб-кувватлаган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси, профессор Зоҳидулло Мунавваровга, атоқи исломшунос олим Шайх Абдулазиз Мансурга, шунингдек, ушбу кутлув ишга хайриҳоҳ бўлиб, маслаҳатлари билан қўмаклашган устозларимизга ҳамда қўлларидағи манбаларни лутфан тақдим этган ҳамкасб дўстларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

<sup>3</sup> И.Сувонқулов . Сўфи Аллоҳёр. Тошкент, ФАН,1995; Маънавият илдизлари, Самарқанд, 2000; Улут олим ва мутасаввуф шоир. Ҳаққулалар тўплами. Самарқанд, 2000; Шунингдек, матбуотда шоир адабий мероси ва ҳаётига ёид академик Б. Валихўжаев, И.Ҳаққулалар, И.Сувонқулов, И. Салоҳиддинов, Н. Норқулов, М.Ханжаров, Р.Зоҳидларининг мақолалари эълон қилинган.

## ІБОБ. СҮФИ ОЛЛОЁР ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ

Сүфи Оллоёр ҳаёти ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас. Шўролар тузуми даврида диний-мистик шоир тамғаси остида унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш манъ этилгани ҳамда ижоди қоралангани сабабли улуф ватандошимиз шахсиятига холис баҳо бериш олимларимизга насиб қилмади. Шундай бўлса-да, тарихни изчил ёритиш тақососидан айrim адабиётларда унинг қисқача таржимаи ҳоли учрайди. Жумладан, Воҳид Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигида Сўфи Оллоёр ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: "Сўфи Оллоёр ҳозирги Самарқанд обlastининг Янтиқўрғон яқинида бир вақтлар «Минглар» деб аталган қишлоқда Оллоқули (Темирёэр) хонадонида дунёга келган. Шайхлар қишлоғидаги (ҳозирги Иштиҳон туманидаги Шайхлар қишлоғи назарда тутилмоқда-Ш.С.) масжид мактабида ўқиган, сўнgra Бухорога бориб Жуйбор шайхлари даргоҳида тарбияланган. У ерда уч марта уйланиб, бир неча вақт бож йиғувчилар маҳкамасида хизмат қилган, пировардида мурид овлаб, шайхлик мартабасига кўтарилган ва ўз таъсирини кенгайтириш ҳамда диний идеологияни омма ўртасида кенгроқ тарғиб этиш ниятида "Мурод ул-орифин", "Тұхфат ут-толибин", "Маслак ул-муттақин" каби китоблар яратган. Шу билан бирга у хонларни, амир-амалдорларни мадҳ этиб шеърлар ёзган"<sup>4</sup>. Садриддин Айний "Намунаи адабиёти тоҷик" китобида Абдулматлаб Фаҳмийнинг "Тазкират уш-шуаро" тазкирасидаги маълумотта таяниб, уни Каттақўрғоний нисбаси билан келтиради ва ёzádi: "Сўфи Оллоёр Оллоқулининг ўғли ва Фарҳодбий Оталиқнинг инисидир. Абулфайзхон ҳукумати даврида Каттақўрғон ва Самарқандда амирлик ва ҳокимлик мартабаларига етишганdir. Кейинчалик истеъро бериб, илм ва дарвишлик йўлини ихтиёр этган. Умри нихоясида Ҳисор томонга кетган ва қабри ўша ерда. Ҳозир ҳам Каттақўрғон шаҳрида унинг номи билан боғлиқ гузар ва жой мавжуд"<sup>5</sup>. Кўриниб турганидек, унинг туғилган жойи борасидаги маълумотлар бир-биридан жиiddий фарқ қиласи. Айнийнинг ёзма манбага суюниб фикр билдиргани ҳисобга олинса, унинг шоир туғилган юрг Каттақўрғон эканлиги ҳақидаги мулоҳазаси шубҳа уйғотмайди.

<sup>4</sup> В..Абдуллаев Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Тошкент, Ўқитувчи, 1980. 115-бет.

<sup>5</sup> С.Айний . Намунаи адабиёти тоҷик. Самарқанд, 1925, с.171

В. Абдуллаев юқоридаги маълумотларни қаердан олганлиги хозирча бизга маълум эмас. Эҳтимол, академик олим учун шоир шахси реакцион адабиёт мөхиятини ёритиш заруратидангина керак бўлган ва унинг таржимаи ҳолини аниқлаштиришда чукурлашмай, замонасозлик қилишга мажбур бўлғандир. Унинг Айний маълумотларидан ҳам фойдаланмагани шундай хуносага олиб келади. Шу билан бирга, унинг маълумотларида қайд қилинган шоирнинг Минглар қишлоғида туғилгани ва унга туташ Шайхлар қишлоғидаги мактабда ўқиганлиги ҳақидаги маълумотлар бирор бир манбавий маълумот билан тасдиқланмайди. Тахминимизча, В. Абдуллаевнинг шундай кўрсатишига туртки бўлган ягона асос, бу "Рисолаи Азиза" шарҳида келтирилган таржимаи ҳолдаги жузъий жиҳат бўлиб, бу нафақат ўзбек олимини ҳатто хорижий оллоёрцуносларни ҳам ҷалғитган деталдир. Маълумки, хорижда, хусусан, Туркия ва туркӣ қавмлар мавжуд ислом мамлакатларида Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва ижодига эътибор ҳамиша катта бўлиб келган. Бунда уларга мутафаккир асарларидан ташқари, ҳижрий 1221/1806 йилда татар олими Тожиддин Ёлчиғул ўғли томонидан ёзилган "Рисолаи Азиза" китоби асосий манба бўлиб хизмат килган. Асар "Сабот ул-ожизин"<sup>6</sup>га ёзилган шарҳ бўлиб, Сўфи Оллоёрни турк дунёсида машҳур қилган ва унинг асарларидаги буюк ғоянинг кенг ҳудудларга тарқалишига катта ҳисса қўшган ажойиб асардир. Шориҳ муқаддимада кўрсатишича, уни қизи Азиза илтимосига мувофиқ қўлланма тарзида яратган<sup>6</sup>. Шарҳда Сўфи Оллоёр ҳаётига тааллукли баъзи маълумотлар мавжуд.

Шарҳда берилган таржимаи ҳол бутун турк оламида машҳур бўлиб, хорижда нашр этилган "Сабот ул-ожизин"нинг барча нашрларидаги сўзбошиларда ва алоҳида эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Унинг айрим ўринларини эътиборингизга ҳавола этамиз:<sup>7</sup> Самарқанд элинда Мийнкалан (مینکلان) отлиғ овул бор эди. Ул овулнинг жамоати ақсар эзгу инсонлар эди. Ул овудда Темирёр деган бир кимса бор эди. Фоят солих ва тақвадор эди. Асли ва насли нӯғай эрмиш: Андин бир ўғил туғилимиш, отини Оллоёр қўйдилар. Ўн ёшинда Бухорога келтируб мадрасага солди. Илмлар ўрганди. Кўп фанлар ҳосил айлади. Йигирма беш ёшинда Бухоро подшоҳи бож маҳкамасига

<sup>6</sup> Убайдуллоҳ ибн Исломқулининг шарҳи деярли Тожиддин Ёлчиғул ўғли "Рисолаи Азиза"сининг такроридир.

тўра қилди. Фоят қон тўккучи бўлди. Доим фисқу фужур ва исёнда эрди. Халқларни кўп ранжитур эрди. Кунлардан бир кун Растон бозорида шайх Ҳабибуллохнинг бир муридини қаттиқ урди. Муриднинг боши ёрилди, қонлар оқди. Шайх Ҳабибуллоҳ мажлисига борди. Оллоёр тўра ҳолидан шикоят айлади. Шайх айди: "Сабр айла, ман они сизлардек айлайин" деб кўлини дуога кўтариб: "Бу тўрани бизлардек ғарибкўнгил айлагил, дунё ва оҳирати муродини бергил"- деб дуо қилди". Баён давомида Оллоёрнинг кўнглига жазба тушиб, шайх ҳузурига келиши, унга мурид тушиб, шартларини бажариши ва хизматида 12 йил юриши ҳақида сўзланади. Бу маълумотларни Ёлчигул ўғли қаердан олганлиги номаълум. Кўп ўринларда улар Сўфи Оллоёрнинг ўзи ёзib қолдирган ёки бизга аниқ маълум бўлган манбалар билан мувофиқ келмайди. Сўфи Оллоёрнинг пири муршиди ким бўлган? Шу ўринда унинг тариқатга кириши билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида ҳам бир оз тўхталиб ўтиш маъқул туюлади. Сўфи Оллоёрнинг "Маслак ул-муттақин" асарида пири комил Наврӯз ҳақида қўйидаги қайдари бор:

Хидмат-и шоҳ-и аср мекардам,  
Нон-и заққуму заҳр меҳӯрдам.  
Ногаҳон аз иноят-и Борий,  
Дод сulton-и баҳт-и ман ёрий.  
Токи гаштам муҳибб-и эшон,  
Ёфтам сухбат-и хуш-и эшон.  
Яъни, он муршид-и билоашбоҳ,  
Пайрав-и ҳазрат-и Ҳабибуллоҳ.  
Ном-и пок-и муборакаш Наврӯз,  
Пой то сар тамом дарду сўз.  
Васф-и эшон агар созам,  
Нест мумкин баён-и он созам.  
Жазб-и он муттақи фуру бигрифт,  
Раг ба раг рафт, мӯ ба мӯ бигрифт  
Бетаваққуф ба пояш уфтодам,  
Даст-и байъат ба дасташон додам.<sup>8</sup>

Мазмуни: Аср шоҳи ( Бухоро хони Абдулазизхон (1645-1680) назарда туттилаётган бўлса керак-Ш.С.) ҳузурида хизматда эдим. Еган ноним заҳар-заққум эди. Ногаҳон Оллоҳнинг инояти билан

<sup>7</sup> Тожиддин Ёлчигул ўғли. Рисолай Азиза. Босма, Қозон, 1880. 6-бет

<sup>8</sup> Маслак ул-муттақин. Қўллэзма. XVIII аср., 18а-варақ

ул зотнинг хуш сұхбатига эришиб, унинг муҳаббатига боғландым. Ул Олмохнинг ҳабиби йўлига бўлган муршиднинг муборак номи Наврўз бўлиб, бошдан-ёғи гарду сўздир. Ул зотнинг васфини баён этмоқ мушкулдир. Унинг жазбаси шунчалар тортсики, энг нозик томирлару ҳар бир соч толасигача ҳаракатга келди. Дарҳол пойига тиз чўкдим ва унга кўл бердим).

Тилга олинган Ҳабибуллоҳ номи икки маънода тушунилиши мумкин. Бири Наврўзниң ҳабибуллоҳ Муҳаммад алайхиссаломга пайрав-издошлиги ва, иккинчи маъноси, унинг Шайх Ҳабибуллоҳ ҳалқасида эканлиги. Қизифи, Шайх Ҳабибуллоҳ ҳам, Шайх Наврўз ҳам бир даврда ва бир хонликда яшаганлар. Баъзи тазкираларда Шайх Наврўз Бухорий ҳақида маълумотлар учрайди. Жумладан, Мақсад Бухорийнинг "Равоийҳ, ул-қудс" номли машойихлар ҳақида тазкирасида Шайх Сўфи Наврўз Бухорий факру фано соҳиби бўлиб, валиуллоҳлар зумрасидан бўлганлиги айтилади. Худди шу тазкиранинг Сўфи Оллоёрга бабишиланган бўлим-фикарасида унинг Сўфи Наврўз Бухорийга мурид тушиб, анча пайт Ҳумул мавзесида унинг тарбияти остида риёзат чекканлиги ҳақида маълумот берилган<sup>9</sup>. У Шайх Ҳабибуллоҳга ҳам алоҳида фикра ажратган. Баъзи тазкираларда Сўфи Оллоёр Шайх Наврўзниң муриди эканлиги, у эса шайх Ҳабибуллоҳнинг халифаларидан бири бўлганлиги таъкидланган<sup>10</sup>.

Тожиддин Ёлчифул ўғли шарҳини варақлашда давом этамиз. Унинг яна бир жойида Сўфи Оллоёр ҳаётига таалуқли маълумотлар келтирилган: "Айтмишлар, Оллоёрнинг ўғли Муҳаммад Содик<sup>11</sup> дегон эрди. Бухорода туғилмиш эрди. Йигирма етти ёш тўлғонда асл юрти Самарқандга кетди. Оллоёр Бухорода колди. Ўн йилдан сўнг Байтуллоҳга зиёрат учун азм айлаб, бизнинг Булғор юртина душ келиб, Қозон қалъасинда бироз таваққуф айламишдир. Аввал замонда Булғорнинг бир комил сўфиси бор эрди. Исмини Идрис Ҳофиз дерлар эди. Онинг била силсилалари бир эрмишдур. Оқибат, Оллоёр Сўфи Булғор юртидин Арзиумга бормиши. Анда чўқ кароматлари билинмишдин сўнг Искандария

<sup>9</sup> Мақсад Бухорий. Равоийҳ, ул-қудс. Қўллэзма. К. Каттаев қўлида сақланади. 1086-варақ.

<sup>10</sup> Абдулазиз Амир Кулолий. Тазкираи машойихи мутаахирини Бухоро. Қўллэзма, ЎзФАШИ №79, 726- варақ.

<sup>11</sup> Аслида Муҳаммад Содик эмас, балки Муҳаммад Сиддикдир.

шахрина келди. Анда дор ул-фанодан дор ул-бақоға күчди. Ражаб ойининг йигирма тўққизинчи куни эрди. Оллоёрнинг ул замондаги ёши тўқсон эди. Узун бўйлик, қўй кўзлик, жайрон соқоллик демишлар.<sup>12</sup> Ушбу таржимаи ҳол, аввало, кўлимизда тўпланган фактик материаллар ва, иккинчидан, юртимизда яратилган қўлёзма манбалардаги маълумотлар билан қиёсан ўрганилганда, ҳеч бир асосга эга эмаслиги сайдин бўлди. Фақат вафот этган вақти, ёши ва шакл-шамойили ҳақидагилари тасдиқланди. Бу маълумотлар қадимда расм бўлган аҳамиятли саналар, жумладан, машҳур кишиларнинг вафотларига ёхуд машҳур иморатларнинг қуриб битказилиши муносабати билан ёзиладиган таърихлар оҳангини эслатади. Эҳтимол, унинг қўлида шундай таърих тўпламтазкиралардан бири бўлгандир. Кейинги изланишлар буни саниqlар. Сўфи Оллоёрнинг Вахшивордаги авлодларининг таъкид этишларича, ул зотнинг 90 ёшта кириб вафот этгани ( ҳижрий сана ҳисобида, албатта) ота-боболаридан нақд этиб келинмоқда. Ўғли масаласига келсак, у ҳам, кўпинча, отаси ёнида бўлган. Вахшиворликларнинг айтиши бўйича, Сўфи Оллоёр умрининг ниҳоясида ўғлига: “Менга ватанга қайтиш мусассар бўлмайди шекилли, сен ватанга қайтгил” -деб уни Каттақўргонга жўнатган экан. Алломанинг қабри Сурхондарёнинг Вахшивор мавзесидадир. Ўғли Каттақўргон ва Қашқадарё чегарасидаги Чўнқаймиш қишлоғида дағи этилган. Маълум бўладики, шарҳда келтирилган таржимаи ҳол воқеиликка тўғри келмайди. Яна бир афсусланарли жойи шундаки, Тожиддин Ёлчиғул ўғлининг мутафаккир туғилган жой номини ўз шевасида ёзиб юборганилиги олимларни бир қадар ҷалғитган. Хорижий олимлар Сўфи Оллоёрни ўзбекларнинг Минглар жамоасидан деб Тожиддин Ёлчиғул ўғлининг шарҳига асосан қайд этишган. Дарҳақиқат, минглаб нусхаларда чоп этилган тошибосма нашрдаги «*Чўнқаймиш* » - (Мянкалон ёки Мийнкалон) тарзида келтирилган атамани «Минглон» тарзида ҳам ўқиш мумкин. Балки Ёлчиғул ўғли ўзи ёзган асл нусхада «Миёнкол» деб кўрсатгандир? Чунки баъзи тазкираларда Сўфи Оллоёр Миёнколий деб ҳам зикр этилган (Миёнкол Каттақўргон жойлашган воҳа номидир - Ш.С.). Бошқалар томонидан нусхалаштирилганда у «Мянкалон»га айланиб кетган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки араб имлосида охирги бўғин – “кол” зичроқ ёзилганда ва қўлёзмаларда нуқталарнинг тушиб

<sup>12</sup> Рисолай Азиза, 247-бет.

қолиши одатий ҳол эканлигидан келиб чиқылса, унда уни "калон" ёки "(г,к)-лон" деб ўқиши мумкин. Шу сабабли хорижий олимлар уни уруғ маъносига қабул қилган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас<sup>13</sup>. Зотан, Сўфи Оллоёрнинг нўғай эмаслиги олимларга аён бўлган<sup>14</sup>. В. Абдуллаев хорижий оллоёршунослардан фарқли равишда уни Минглар тарзида тушунган ва ҳозирги Иштихон туманидаги қишлоқ деб тахмин қилган. Дарслик яратилган даврларда ушбу маълумотта ошкора аниқлик киритиш балони чақириш билан баробар бўлганидан айrim зиёлилар сукут сақлашган. Аммо бугунги даврда ушбу тўқима маълумотни ҳақиқий деб ишонтиришга бўлган уринишларнинг асоси пучдир.

Сўфи Оллоёрнинг туғилган йили манбаларда зикр этилмаган. Вафот этган йили биззача етиб келган бир неча таърихлардан маълум. Масалан, "Сабот ул-ожизин"нинг Техрон нашрида келтирилган сўзбошида ва Убайдуллоҳ ибн Исломкули шарҳида берилган:

Черог-и қулба-и асрор-и тавҳид,  
З- соф-и машраб-и Сўфи Оллоёр.  
Агар жўянд та'рих-и вафоташ,  
З- қофи жиму гайну лом бардор<sup>15</sup>.  
(Тавҳид асрори қулбасининг чироги  
Машрабининг соғлигиган Сўфи Оллоёр.

<sup>13</sup> Жумладан, Саид Туркистоний ёзади: Қабиласи-Самарқанд атрофларида Мингия деган зираворликлар билан машхур ўзбек қабиласига мансуб. Қаранг: Сўфи Оллоҳёр\Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам, Тошкент-1994, 285-бет. У анча муқаддам Суриядা "Сабот ул-ожизин" китобини нашр эттирган.

<sup>14</sup> Мутафаккир бирор-бир асарида ўзини нўғай деб айтмаган. Фурсатдан фойдаланиб, унинг Ўтарчи уруғидан эканлигини таъкидлаб ўтишни истар эдик. У рубоийларининг бирида шундай келтирган:

Холиқо! Ё аввало! Ё охиро!  
Нафсу шайтон жонима бўлди бало.  
Гарчи Оллоёр Ўтарчидур ямон,  
Кўймагиз душмана кўлиға мубтало.

(Убайдуллоҳ ибн Исломкули шарҳи, 225\*-вар.)

<sup>15</sup> Сабот ул-ожизин\Ал-мақтабат ул-исломия, Гунбади Қобус-Ҳожи Тэлои.-Техрон, 1408 ҳ. С. 5. Бундан сўнг "Сабот ул-ожизин"дан келтирилган иқтибослар шу китобдан олинди.

*Агар вафоти таърихини изласалар  
Қоғу жиму ғайну ломдан күтәр).*

Шунингдек, XIX асрнинг охирги чорагида Истроилжон Тошқандий томонидан күчирилган «Сабот ул-ожизин»нинг нусхаси охирида қуйидаги таърих сабт этилган:

*Абу Ҳанифаи вақт аст Сұғи Оллоёр,  
Худо дода ба ўқолу ҳолро бисёр.  
Ҳар онгақ омада тарихи фавти ўпурсанд,  
Бигү, ту қоғу жиму ғайну ломро бишумор!  
(Сұғи Оллоёр замонанинг Абу Ҳанифасидир,  
Худо унга қол (гиний илмлар) ва ҳол (суфийлик)дан күп  
баҳраманд этгандыр.*

*Ҳар гоҳ, келиб унинг вафоти санасини сұрасалар,  
Айтгил: «Сен қоф, жим, ғайн ва ломни сана!»*

Тарих моддаларидан 1133 йил ҳосил бўлади. Фаҳмийнинг тазкирасида янглиши ҳижрий 1136 йил кўрсатилган<sup>16</sup>. Фикримизча, тарихда кўрсатилган санага ишониш маъқулроқ. Агар Сұғи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёнда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантирилганда 1634 йил ҳосил бўлади. Кўринадики, шу давргача эълон қилинган тадқиқотларда кўрсатиб келинаётган 1644 йил санасидан кўра ҳақиқатта яқин деб ўйлашга асос бор.

Үрни келганилиги туфайли тадқиқотчilar ҳукмiga яна бир мулоҳаза мавжудлигидан хабар берди ўтиш маъқул кўринди. Самарқанд вилояти Каттақўрон шаҳрида азал-азалдан бир ривоят юради. Эмишки, Сұғи Оллоёр амалдорликни ташлаб, Пайшанба беклигидаги она қишлоғига қайтгач, осуда ибодат билан машғул бўлади. Халқнинг унга томон оқиб келаётгани ва катта эътиқод қўйгани сабабидан акаси Пайшанба begi Фарҳод Оталиқ ўз худудидаги Зарағиён дарёсининг Наҳрипай ирмогига яқин сўлим ва баҳаво гўшасидан унга маскан қуриб беради. Дастреб у хонақоҳ ва унинг ёнида аҳли аёлига мўлжалланган бир неча ҳужралардан иборат бўлган<sup>17</sup>. Аста-секин Сұғи Оллоёрнинг

---

<sup>16</sup> Абдулматлаб Фаҳмий Тазкират уш-шуаро. Кўлёэзма. ЎзФАШИ инв. 2331, 70а-вар

<sup>17</sup> Уларнинг бир қисми ҳозиргача сакланган.

мурилдари ва ихлосмандлари пир ёнида манзил тута бошлаганликлари оқибатида Фарҳод уларнинг гўшаларини кенгайтириб, девор билан ўраб беради. Тез орада гўша қўрғонга айланиб, унга жонли шаҳар ҳаёти кириб келади. Пайшанба беклиги Самарқанд ва Бухоро чегарасида жойлашганлиги учун асосан қоровултепалар ва турли катта-кичик қўрғонлардан иборат бўлган. Сўфи маскан тутган қўрғон атрофдагиларга қараганда каттароқ ва марказ ролини ййнай бошлагани учун ҳалқ орасида Каттақўрғон номи билан машҳурлик тутади. Сўфи Оллоёр ҳақидаги баъзи охирги давр тадқиқотларида айтилган Фарҳоднинг шаҳар қуриб бергач, об-ҳавоси ёкиб қолиб укаси сафардан қайтгунча ўзи кириб олгани ва бундан Оллоёрнинг жаҳли чиқиб юртини тарқ этгани ёки яна бир ўринда шаҳарнинг тупроғини ташқаридан олибсизлар, деган иддао билан бу ерда яшаётган воз кечгани ҳақидаги фикрлар унинг исломий ахлоқи ва ғояларига, айниқса, дунёқарашига мос эмас. Ушбу маълумотлар ҳалқ ичидан турли муносабатлар билан улуғ пирга асоссиз борганиб қолган оғзаки нақллардан бошқа нарса эмас. Каттақўрғон қурилиб битгандан сўнг ҳам у анча пайт шу ерда истиқомат этган. Кейинчалик ҳалқ орасида ўз таълимотини тарғиб этиш мақсадида юртдан чиқиб кетган. Шуни ҳам ҳисобга олиш қеракки, шаҳарда ҳожатталаблар, баракаталабларнинг уни ҳол-жонига қўймаганлиги, кароматталаблар, башоратталабларнинг издан қолмаганлиги, эҳтимол, унинг бу ерда муқим яшашига имкон бермагандир.

Каттақўрғон шаҳрининг дарёга яқин қисмида жойлашган Сўфигузарда ҳозир ҳам мутафаккирнинг масжид ва ҳужраси аҳоли томонидан кўз қорачигидек сакланиб келмоқда. Ушбу факт Сўфи Оллоёрнинг асл ватани Каттақўрғонга яқин қишлоқлардан бири бўлганлигини тасдиқлади.

Мустабид шўро тузуми даври икки-уч авлодга чўзилгани ва унинг шафқатсиз сиёсати оқибатида ўтган аср бошида боболаримизга яхши маълум бўлган оғзаки маълумотлар қоғозга туширилмай қолиб кетди. Бугунги кунга келиб ўша тўнгич авлоднинг дунёдан ўтиб кетганлиги оқибатида оғзаки етиб келган далилларни тахмин даражасида баҳолашдан бошқа иложимиз йўқдигини тан олишга мажбурмиз. Аммо шундай бўлса-да, баъзи кекса маърифатли инсонларнинг бошқа бир муносабат билан келтирган хотиралари бизга салмоқли фактик материал бериши мумкин. Жумладан, каттақўрғонлик ёши тўқсонни оралаб қолган кекса журналист Малик Элмуродов "Каттақўрғон тарихи: кеча

ва бугун" китобида ёзишича, Сўфи Оллоёр Каттакўрғондаги Ўтарчи қишлоғида туғилган. У "Нахрилай дарёси (Каттакўрғон шаҳри ичидан оқиб ўтади-Ш.С.) ёқасидаги Сарипултепа қишлоғига туташ бўлган ҳудудда жойлашган"<sup>18</sup>. Айни пайтда Нахрилай дарёсининг бир қисми, Сарипул қишлоғи ва унга туташ қишлоқлар Каттакўрғон тумани Зарафшон жамоа хўжалиги ҳудудига тўғри келади<sup>19</sup>. Назаримизда юқоридаги мулоҳазаларда жон бордек.

Сўфи Оллоёр Каттакўрғондан 50-60 ёшларда бўлганида чиқиб кеттанилиги таҳмин қилинади. Бир мунча муддат Қашқадарё ва Самарқанд ўртасидаги хушҳаво тор ёнбағридаги Чўнқаймиш қишлоғида яшаб ўз таълимотини тарғиб этганилиги маълум. Умрининг охирги йилларини Сурхондарё тор этакларида, хусусан, Ваҳшивор мавзесида ўтказган. 1721 йилда шу ерда вафот этган.

Сўфи Оллоёрнинг ўзбек ва тожик тилларида мумтоз адабиётнинг фазал, туюқ, соқийнома, маснавий каби лирик жанрларида ижод этгани маълум<sup>20</sup>. Бу Сўфи Оллоёрнинг иқтидорли шоир, зуллisonайн адаб сифатида ўзбек ва тожик адабиётлари тарихида муносиб ўрни борлигидан далолат беради.

Аммо шоирлик унинг асосий фазилати эмас. Сўфи Оллоёр, биринчи навбатда, ийрик илоҳиётчи ва факиҳ, мутакаллим олим, Ином Аъзам Абу Ҳанифа таълимотини ривожлантирган, «Саводи Аъзам» анъаналарига янги ҳаёт баҳш этган буюқ дин арбобидир.

Сўфи Оллоёрдан бир неча асарлар мерос қолган. Булар "Маслак ул-муттақин", "Сабот ул-ожизин", "Махзан ул-мутеъин" ва "Мурод ул-орифин" асарлари бўлиб, ислом дини асослари-акида ва фуруъ-фиқкӣ масалалар, тасаввuf илми шарҳига бағишланган. Оддинги икки асар назмда битилган бўлиб, бири туркий, иккинчиси форсийда таълиф этилган<sup>21</sup>. "Мурод ул-орифин" форсий тилда наср йўли билан ёзилган бўлса-да, унда шеърий баён ҳоллари ҳам учрайди.

<sup>18</sup> Каттакўрғон: кеча ва бутун\Муаллифлар гуруҳи. Самарқанд, 1994, 35-бет.

<sup>19</sup> Каттакўрғон тарихи ва адабий муҳити билимдонларидан бири, фазлу́заковат соҳиби, маърифатли инсон Ҳасан Нормуродовнинг бизга тушунтиришича, XX асрнинг 40-йилларига қадар Ўтарчи қишлоғи мавжӯд бўлган. Урушдан кейинги йиллар Кичик кўрпа қишлоғи таркибита сингиб кеттан.

<sup>20</sup> Қаранг: И. Сувонқулов. Маънавият илдизлари, 93-бет. Шунингдек, И.Сувонқулов "Сўфи Аллоҳёр" китобида ёзишича, унинг қўлида сакланаётган Убайдуллоҳ Аламкаш тузган баёзда Сўфи Оллоёрнинг 73 та турли жанрларга мансуб шеърлари келтирилган. Олим ўз тадқиқотларида уларнинг баъзилари ҳақида сўз юритган

<sup>21</sup> Ҳозирча "Махзан ул-мутеъин" номли китобнинг нусхаси топилмаётгани сабабли у ҳақда фикр юритишининг иложи бўлмади.

"Маслак ул-муттақин" Сүфи Оллоёрнинг энг иирик асари бўлиб, муаллифнинг ўзи қайд этишича, уни хижрий 1111 йил курбон ойининг жума куни ёзиг тутатган. Асар форсий назмда битилган, ҳажми 12000 байтдан ортикроқдир. Бу ҳақда "Сабот ул-ожизин"да маълумот беради:

Битибмен форсий тилда бир китобе  
Тамом аңда масойилнинг жавоби.  
Ҳама фаттову тақвонинг баёни  
Ўн икки мингдан ортиқ, байти они. (342-б.)

"Сабот ул-ожизин" ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим фан бўлган ақида (ақоид) масалаларининг туркийдаги шарҳидир. Шоирнинг ўзи айтганидек:

Ёзилди форсий тил бирла мактуб,  
Ақидоту фуруғи қурби маҳбуб.  
Аниким кўрдилар туркий ёронлар,  
Дедилар: "тар дуо қилса эразилар.  
Битилса турки тил бирла ақида,  
Кўнгиллар бўлса ондин орамида."  
Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр,  
Қалам тортай, худо бўлсин мададкор.  
Валекин айлайин сўзларни ижмол,  
Мангаг ўйқтур муфассал қилғали ҳол.<sup>22</sup>

Сўфи Оллоёр унда Оллоҳ таолонинг маърифати, тавҳиди, сифатлари, имон, фаришталар, қабр азоби, қиёмат куни, пайғамбар шафоати, умрнинг фонийлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, авлиёлар қаромати, пири комиллар, ризо ва сабр, таъма, дунё ҳийлаларидан қочиш, тажарруд, кибр, таваккул, дарвешлик, мулоҳимсўзлик, эзгулик, ҳақирлик, садоқат, чин эрлик, худодан умидворлик каби инсон камолотини белгиловчи ҳолатлар ҳақида содда тил ва таъсирчан руҳда баён этади

«Мурод ул-ориғин» асари Сўфи Оллоёрнинг охирги, тўртинчи китобидир. Муаллиф ёзади: "(Аммо баъд) мегуяд ин фақир, ал-мавсуф биттақсир, хоки пои мардони таваккули Оллоҳёр ибни Оллоҳқули ғафароллоҳу исёнаҳумо ва тажовузи нуқсонаҳумо бо вужуди дуний ва забуний, ба машовирати дўстон китоби

<sup>22</sup> Сабот ул-ожизин, Техрон, с. 60-61

"Маслак ул-муттақин", онгоҳ "Сабот ул-ожизин" ва онгоҳ "Махзан ул-мутеъин" савод карда шуд ва муҳиббони диний низ истидъо карданд, ки дар тасаввуф ва rashod мувофиқи эътиқод нусхае савод шавад"<sup>23</sup>. (Нуқсонлилиқда машҳур, фақиру ҳақир (қадрсиз), таваккул эранларининг хоки пойи, Оллоёр ибн Оллоҳули, Оллоҳ унинг пасткаш ва иродасизлигига қарамай гуноҳларини ва ҳаддан ортиқ нуқсонларини кечирсинг, дўстлар маслаҳати билан "Маслак ул-муттақин", сўнг "Сабот ул-ожизин" ва сўнг "Махзан ул-мутеъин" ёзилгандан сўнг дин муҳиблари эътиқодга мувофиқ тасаввуф фоялари ва тўғри йўл ҳақида китоб битилишини илтимос қилдилар.)

Китоб 15 фаслдан иборат. Унда тасаввуф илмлари, Тавҳид, дунё ва Оллоҳни таниш, Фано ва Бақо, Мақсадга ва Муҳаббатга эриштирадиган воситалар ислом оламининг ўтизга яқин машҳур уламолари ва буюк суфийларининг рисолаларига суюнган ҳолда тушунтирилган.

Сўфи Оллоёр ижоди ва фаолияти XVII аср-XVIII аср бошлари ижтимоий-маънавий муҳити ва даврнинг асосий роявий йўналишларини ўрганишда фавқулодда муҳим манбадир.

<sup>23</sup> Мурод ул-орифин. Босма. Тошкент, 1912, 2-бет

## II БОБ. СҮФИ ОЛЛОЁР ВА ДАВР

### Маънавий мұхит таназзули

XVI асрнинг II ярмидан Ўрта Осиёда нақшбандия тариқати мавқеи заифлашиб, унинг таянч марказлари Ҳинд минтақасига кўча бошлайди<sup>24</sup>. Бунинг сабаби Мовароуннахр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нотинчлик, беқарорлик ва тариқат пирларининг ҳокимиятни қўлга киритиши, ҳалқ орасидаги тарбиявий ишларнинг сусайиб қолиши билан боғлиқ бўлган дейишга асос бор. Айниқса, XVI асрнинг I ярмида Ўрта Осиё сиёсий-ижтимоий ҳаётида маълум мавқега эга бўлган нақшбандия тариқати пири Ҳожа Аҳмад Косоний-Маҳдуми Аъзам (1461-1542) вафотидан сўнг ўтган бир аср давомида ягона суфийлик ҳалқаси оддинги асрлардаги ўзининг пешқадамлигини йўқота бошлаганини кузатиш мумкин; Маҳдуми Аъзам авлодлари орасида тариқатга раҳбарлик қилишдан кўра сиёсий ҳокимиятга интилиш тамоили устуворлик қиди<sup>25</sup>. Тариқат пирларининг хонлар даврасига интилиши, катта вакфларни қўлга киритишга ва мол-мулк тўплашга ҳаракат қилиши одат тусини олди. Натижада Мовароуннахр жудудида кўплаб мустақил ҳалқалар ташкил бўлиб, минтақавий чегараланиш ва ўзаро рақобат пайдо бўлди. XVII асрда анъанавий тариқат тарбияси билан шуғулланган асосий мактаблар сифатида Шарқий Туркистанда Ҳидоятуллоҳ, Офокхўжа (вафоти 1695 й.), Бухорода Шайх Ҳабибуллоҳларни (вафоти 1700 й.) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Нақшбандиянинг XVI асрдан кейинги тараққиёти Ҳинди斯顿 билан боғлиқ. Дехлида Боқибilloҳ Беранг (1563-1603) асос соглан нақшбандия маркази қисқа вақт ичида ўз таълимотини бутун Ҳинди斯顿га ёйишга эришди. Бу ерда, кейинчалик, нақшбандия-

<sup>24</sup> Ж.Тримингэм. Суфийские ордены в Исламе\ Пер.с анг. А.Ставиской, под. Ред. О.Акимушкина. Москва, 1989, стр.84

<sup>25</sup> XVII асрнинг II ярмида Шарқий Туркистанда Маҳдуми Аъзам авлодларининг оқтоғлиқ ва қоратоғликлар аталмиш тармоқлари ўртасида ҳокимият учун бўлган кескин курашлардан сўнг Ёркент таҳтига оқтоғаник Ҳидоятуллоҳ, Офокхўжа ўтиради. Ушбу сулола 78 йил давомида ҳокимиятни бошқарган. Қаранг.К.Каттаев. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд, 1994,55-б. И.Абдуллаев. Баҳоуддин Нақшбанд\Голиблар хайлидан ёнган чироқлар тўплами, Тошкент,»Ўзбекистон»,1994 ,172-б.

нинг турли тариқатлар, эътиқодлар ва фалсафий қарашлар таъсирига тушиб қолганини күриш мүмкін. Шу даврларда Хинд ва Туркияда сон-саноқсиз суфий тоифалари, турли усуллар ва қонун-қоида, расм-руsumларни тарғиб этиш орқали суфийлик мартаба-мақомларини згаллашга даъват этувчи таълимотлар пайдо бўлди. 1935 йилда Қоҳирада чоп этилган Мухаммад бин Али ас-Санусийнинг "Ас-Салсабил ал-маъин фи-т-тароқ ал-арбаъин" асарида ўша даврда Хиндда мавжуд бўлган қирқ тариқат таълимотининг моҳияти очиб берилган. С.Ж. Тримингэм шу даврда мавжуд бўлган тариқатларга баҳо берар экан, ёзади: "Хиндистондаги ҳеч бир тариқат атрофдаги диний муҳит таъсиридан холи қола олмасди. Кўпчилик тармоклар турли ирфоний таълимотлар ва зиддиятли оқимларнинг кояларини ўзига сингдирив, омикхталашиб кетдилар. Қаландарлар хилидаги сон-саноқсиз дарвишлар пайдо бўлди"<sup>26</sup>. Албатта, хорижда ривожланган бу таълимотлар Хитой, Афғонистон, Эрон, Хиндистон ва Туркия билан савдо ва умумий миграция ҳудудига эга бўлган Мовароуннаҳрининг ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказиб тургани табиий. Афсуски, тарих, тасаввуфга оид мавжуд адабиётлар ва манбалар ичida XVI-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган тариқатлар ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган салмоқли асарга кўзимиз тушмади. Ҳозирча шу давр маънавий муҳити ҳақида тасаввур берадиган манбалар - бу Сўфи Оллоёрнинг асарлари ва Тожиддин Ёлчиғул ўғли томонидан «Сабот ул-ожизин»га «Рисолай Азиза» номи билан ёзилган шарҳдир. Шориҳ Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин»да танқид қилган фирмә ва оқимлар шарҳида ўша пайтларда кенг тарқалган 14 та бидъат таълимот устида тўхталиб ўтади<sup>27</sup>. Албатта, уларнинг коялари атрофлича очиб берилган деб бўлмайди. Ёлчиғул ўғли, асосан, Сўфи Оллоёр байтлари мазмунига мувофиқ бидъат таълимотларнинг ҳалқ мағкураси ва маънавиятига жиҳдий зарар етказган жиҳатларинигина кўрсатиш билан кифояланган. Сўфи Оллоёр асарларида ва "Рисолай Азиза"да номи тилга олинган тариқатларга доир қўшимча маълумотлар давримизда чоп этилган тасаввуф тариқатларига бағишлиланган тадқиқотларда учрамади. Кейинги тадқиқотлар ушбу мавзуга ойдинлик киритар, деган умиддамиз. Сўфи Оллоёр ёзади:

<sup>26</sup> С. Ж. Тримингэм. Суфийские ордены, стр.87.

<sup>27</sup> Рисолай Азиза, 137-138-бетлар.

**Фараз, эй бандалар, нозир бўлинглар!**  
Ёмон йўл фирмага ҳозир бўлинглар!  
Бани одамда бордир бир фариқа,  
Тутарлар ўзларин аҳли тариқа.  
Алар шаръи Набининг душманидур,  
Аларни оти, яъни Равшанийдур.  
Алар ўзларига ориф қўюб от,  
Ўқурлар омиларга яхши абёт.  
Валекин айтишур беҳуда маъни,  
Ўзини йўлиға солмоққа, яъни.  
Уларда бўлмагай ҳеч яхши ният.  
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамият.  
Аларни феълини ким яхши билди,  
Бўлуб кофир, ёнар ўтқа йиқилди.

**Равшания** номи билан машҳур бўлган бу оқимга балхлик Ибн Сафвон Равшаний асос солган. Ўз таълимотини, асосан, Туркистонда - Бухоро ва Қашқар ўлкаларида ёйган. Ёлчиғул ўғли унинг бидъатлари Қозонга ҳам етиб келганини ва унинг даврида ҳам булғор вилоятининг баъзи чеккаларида сақланиб қолганлигини айтиб ўтади. Равшанийлар- хуруфийлардан ажralиб чиққан ботил оқим бўлиб, жаҳрия зикр билан шугулланганлар, «жазба аҳлимиз» дея девона қаландар бўлиб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ изғиб юрар эканлар. Ёлчиғул ўғли уларнинг мазҳаби моҳиятини шундай тасвиirlайди: "Ўзини тасаввуф аҳлидан деб ҳисоблайдиган бу гуруҳларнинг энг каттаси "Хуруфийлар" дур. Улар икки хилдири. Бирисин "хуруфий ул-фаръий" ва иккинчисини "хуруфий ул-аслий" дерлар. Биринчиси авбошийлар ва кейингиси равшанийлар мазҳаби билан машҳурдирлар. Улар бир-бирларини ориф деб чақиришади. Сўзларини турли ҳикматли байтлар билан безайдилар. Оқшомлари жам бўлишиб, турли мусиқа асблоридаф(доира), най, қўбизлар ҷалиб, охират ҳолини баён этувчи ҳикматлардан сўйладилар. Йигилган хотинлар ва ёш йигитлар жўр бўлишиб, ашула айтадилар. Айтишларича, Бу тоифа бир-бирларига севги изҳор қилгувчилардир. Бир-бирларидан хотинларини аямаслар. Шариат олимларини душман билурлар. Намозни севмаслар ва айтурлар; "Кимки бизнинг мажлисимизда бир кеча иштирок этса қирқ йиллик ибодат савобини олади".

Сўфи Оллоёр авбошийлар ҳам жуда кўпайиб кетганини қайд этган:

Бұлубтур ҳам тақи бир фирмә пайдо  
Оти мұғынин, vale нафсиға шайдо.  
Йигарлар порае бүйни явонни,  
Солурлар ўттаға қизу жувонни.  
Агарчи равшаний эрмас бу авбош,  
Вале бу иш шариат ҳукмидин тош.<sup>28</sup>  
Бу айғон фирмәким золу музилдур,<sup>29</sup>  
Шариат аҳли бу элдия хижилдур.

Елчигүл ўғли келтиришича, ушбу авбошлар<sup>30</sup> гурухы  
хуруфийлардан ажралиб чиққан Аббосия тариқати аъзолари  
бўлиб, асосчиси Аббос ибн Убайддир. Улар ўз мажлисларида  
Ҳиндда ўсадиган қора тусли гиёхванд - "явон" ўсимлигини тутатар  
эканлар. Шайх эса тутун тарьишини бартараф этиш учун доим  
сирка ва ҳамуз<sup>31</sup> ичимлигини ичип турар экан. Барча ҳушсиз  
бўлгандан сўнг фаҳш ишларини бошлар экан.

Кенг тарқалган бидъат оқимлардан бири "Хуббия" бўлиб,  
ишқ тариқати маъносини англатади. Улар "Агар Аллоҳни қаттиқ  
севсанг, у ҳам сени севади. Шунда сендан шариат аҳкоми соқит  
бўлади" деган ақидани илгари сурадилар. Улар ҳақида Сўфи  
Оллоёр келтиради:

Яқин билгилки, баъзи номусулмон,  
Демиш: "Вақтики қурбат<sup>32</sup> топса инсон,  
Кўтарур Ҳақ шариат ҳукмин андин."  
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.  
Бу ботил сўз эрур қавли малоҳид,  
Шариатта эрур ул фирмә жоҳид.

---

<sup>28</sup> Тош-ташқары

<sup>29</sup> золу музил – ўзи адашган ҳолда ўзгаларни ҳам адаштирувчи

<sup>30</sup> авбошлар- дайдилар, безорилар маъносида

<sup>31</sup> Ҳамузга- лимон шарбати

<sup>32</sup> қурбат- Оллоҳга яқинлик

Ушбу сатрларда Сўфи Оллоёр айнан шу суфийнамоларни танқид қиласди. Ёлчиғул ўғлининг ёзишича, бу тоифа исломда ҳаром қилинган нарсаларни ҳалол ҳисоблар ва "малоҳид"-мулҳидлар номи билан машҳур экан. Малоҳида истилоҳи тарихда Ҳасан Саббоҳ издошларига нисбатан қўлланган. Эътиқодсиз, даҳрий маъноларини англатади. Қуйидаги сатрлар уларни қўллаб-куватловчиларга қаратилгандир:

**Буюргониға ҳар ким бўлса мункир,  
Гумон йўқтур, бўлур албатта кофир.  
Ўшал ҳалқики кўп беақл эмислар,  
Худонинг душманин ошиқ демишлар!**

Ўша даврда яна шундай суфийнамолар тоифаси бўлганки, улар ўз таълимотларига "ҳар бир киши ғайб илмини эгаллаши мумкин ва валий бўла олади" деган шиорни асос қилиб олиб, ҳалқнинг пайғамбарларга бўлган эътиқодини бузишига харакат қилганлар. Бундай фитна кўзратувчилар олдинги даврларда ҳам учрагани ислом тарихидан маълум. Имом ал-Бухорий Масруқ разияллоҳу анхудан шунидай ривоят қиласди: «Оиша онамиз бундай дедилар: «Кимки сенга «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолони кўрган»-деган бўлса ёлғон айтибдур, чунким Оллоҳ таоло ўзини (фоний) кўз билан кўриб бўлмаслигини (Куръонда) айтгандур. Кимки сенга: «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғайбни (инсон билолмайдиган нарсаларни) билурлар», - деган бўлса, ёлғон айтибдур, чунким Оллоҳ таоло ўзидан бўлак ҳеч кимса ғайбни билолмаслигини (Куръонда) айтгандур»<sup>33</sup>. Сўфи Оллоёр асрлар давомида шаклланган исломий дунёқарашнинг бузилишига ва носоғлом мұхитнинг вужудга келишига олиб келадиган бу таълимотта эргашмасликка чақиради:

<sup>33</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий. Жомиъ ас-саҳиҳ, 4-жилд Тошкент, 1997, 461-бет. Бундан кейин келтирилган барча ҳадислар жилди ва бети кўрсатилган ҳолда иқтибос сўнгида қавс ичида берилган.

Киши деса валийни ғайбдондир,<sup>34</sup>  
 Наъузу биллах, бу сўз кўп ёмондур.  
 Набий ҳам билмагай ушбу равищдин.  
 Магар билдурса тангрим баъзи ишдин.  
 Худонинг хоссасидур илми ғайби  
 Бу сўзни бўлмагай бир зарра райби.  
 Яқин бил, ғайб ишидин фолбинлар  
 Хабар берса агар ё аҳли жинлар  
 Киши чин деса ул ботил сўзини  
 Бўлуб кофир, қаро қилгай юзини.  
 Наъузубиллах, андоғ мұнтақаддин  
 Худойим сақлагай бу ройи баддин.

Ёлчиғул ўғли бу тариқат номи “Авлиёя” эканлигини қайд этар экан, уларнинг жаҳрия зикр қилиши, айрим ишлари шариатта мувофиқ келса-да, назарларида куфр кўпdir, дейди.

**Ҳалолия** (ёки ҳилолия) номли гурӯҳ ҳам ўзини суфийлар деб ҳисоблар, зикрлари мусиқа ва рақслардан иборат экан. Улар тирикчилик йўлида нимани қўлга киритсалар, учдан бирини шайхга тоширилар эканлар. Ёлчиғул ўғли уларнинг Ёркент, Қўқон ва Андижонда жуда кўплайгини таъкидлайди.

Бу даврда тарқалган энг бидъат таълимотлардан бири **Ҳулулиядир**. Бу тоифа суфийлари аёллар ва эркаклар бир-бирлари билан кучоқлашиб сўрашиши керак деб ҳисоблаганлар. Чиройли қиз ва ўспириналар билан кучоқлашиш ҳалол ҳукмига олиб борилган. С.Ж.Тримингэм ушбу тариқат ҳақида қисқача мълумот бериб ўтар экан, унинг тасаввуф дунёси томонидан қораланганд, мардуд, яъни рад этилган тариқатлигини айтиб ўтган. Ёлчиғул ўғли бу мазҳабнинг Ҳиндан кириб келганини, “зоҳирларида шаҳодати дин бўлса-да, ишлари куфр, ўзлари кофир” эканлигини айтади. Сўфи Оллоёр ўз насиҳатларида уларнинг одатларига ишора этади:

Иккинчи, чунки шаҳватдин ҳатардур.  
 “Ниҳоя”ким китоби мұтабардур.  
 Битибдур шарҳида ул соҳиби фазл.  
 “Кишиким қилса юмаҳрам била ҳазл,  
 Ани ҳар бир сўзига, эй хирадманд,  
 Бўлур дўзахда то минг йилгача банд”.

<sup>34</sup> ғайбдон - ғайб сирларини билувчи

**“Хулоса”ю “Хизона”, “Шарҳи Аврод”  
Битибдур, балки чиңдур, нусхада ёд:  
“Жувон хотунки, номаҳрам эмишдур,  
Салом этмак анга мамнӯъ демишдур”.**

Хуррия тариқати гоялари ҳам хуулияникига ўхшаш. Бироқ улар “Аллоҳни танимоқ, банданинг қўлидан келмайди” шунинг учун жаиннат орзуси билан чекланмоқ, керак деган ақидада мустаҳкам турадилар. Уларнинг шиори қуйидаги байтда мужассам:

**Туро ту дони, ҳаргез натвон шенохт кас,  
Гар надонад ҳар кас, ту донию бас.**

Мазмуни: Ўзингни ўзинггана яхши биласан. Сени танишга ҳеч ким қодир эмас. Ҳар ким била олмаса ҳам сен ўзинг билсанг, шу бас.

Воқифия тариқати аъзолари беш вақт намоз ўқийди, ўз масжидларига эга, кўринишидан суннати сания тариқатларига ўхшаб кетади. Аммо бидъатлари кўп. Ёлчиғул ўғлининг маълумотига кўра, улар намоздан сўнг гўё меҳробга бир чиройли қиз ёки кўркам ўспиринни ўтқазиб қўяр эканлар. Унинг юзига диққат қилиб: “Ло илоҳа иллаллоҳ”, -деб авжида беҳуш бўлар эканлар. Сўфи Оллоёрнинг қуйидаги байtlари шулар ҳақида айтилгандек:

**На ул жамъики ғафлат аҳли бўлғай,  
Баҳойимдин<sup>35</sup> зиёда жаҳли,<sup>36</sup> бўлғай.  
Аларни сұхбатин бил заҳри қаттол,  
Бузар кўп сұхбатин бир бад афъол.  
Керак сұхбат эли бир тану бир жон,  
Барас<sup>37</sup> бар рўйи ноҳун бўлса ҳам нанг.  
Агар музирдур<sup>38</sup>ул, нафрат қил ондин!  
Йилондин не зарар кўрсанг ел ондин!<sup>39</sup>**

<sup>35</sup> баҳойим - ҳайвон

<sup>36</sup> жаҳл - жоҳиллик

<sup>37</sup> барас - тирноқ устига тушадиган оқдик

<sup>38</sup> музир - зараркунанда

<sup>39</sup> ел ондин! - ундан қоч!

**Мутакосила** номли суфийлар тоифаси "тиланчилик-фақру фано йўли" деб ҳисоблаганлар. Ўтган-кетганинг молини безбетлик билан тортиб олиш, кўпинча, бойларнинг молини талаб олиш билан кун кечирганлар. Сўфи Оллоёр бундайлар ҳақида ёзади:

Кечакундузга кимнинг қути етса,  
Ҳаром эрмиш ўзини сойил<sup>40</sup> этса.  
Набий айди: "Қиёмат бўлса, эй, дўст,  
Тамаъгири юзида бўлмагай пўст".  
Билай десанг бу сўзни, иста"Мишкот",  
Тамаъ бирла кечурган, ҳайф, авқот.

**Илҳомия** тариқатида илм ўрганиш ва Қуръон ўқимоқ фарз бўлмай, маъмул ҳикматли байтларни ўқиш кифоя ҳисобланган. Сўфи Оллоёр айтади:

Улуғ йўлдан адашган бир неча беақл,  
Қилур эрлардин ул ёлғончилар нақл.  
"Кишиқим ошиқи дийдори Ҳақдур  
Муҳаббат аҳди бирлан ҳамсабақдур.  
На ҳожат ўзгача тоатлар андин",  
Бўлур юзи қаро бундоғ дегандин.

**Иddaоия** суфия тариқати малоҳидларга ўхшаш фирмәдир. Улар ўз шайхлари ва силсилалари билан мағрурланадилар. Мол-давлат учун шайхлик даъвосини қиласидилар. Бойларга эҳтиром кўрсатиб, фақирларни оёқости қиласидилар. Дунё зийнатига маҳкам борланган бидъат тариқатдир. Ёлчиғул ўғли улар ҳақида "муршиидлари бидъат ва ёлғон сўзласа-да, эътибор қилмайдилар. У Оллоҳ ишқидан маст, муридлар ҳолини тажриба қилиш учун шундай қилаяпти, деб ҳисобладилар. Бу тоифанинг тили фийбат ва ёлғондан чарчамайди"-деб келтирган. Сўфи Оллоёр ўз насиҳатларида шу тоифага ўхшамасликка чақиради:

Такаббур қилмагил, эй бемаоний,  
Фалоний ўзиидурман, деб фалоний.  
Ишонма отага, қолма талабдин,

---

<sup>40</sup> сойил- тиланчи

Сўралмасдур қиёматда наслабдин.  
Ҳасаб фавқи наслабдур,<sup>41</sup> эй, наку ҳол,  
Ипак тўндин ўтар хўп ишлаган шол.  
Қорача ўғли хожа ўғлидин кам?  
Муаллим бўлса, саййиддан ўтар ҳам.

Ёлчиғул ўғли байтлар шарҳи асносида яна бир неча бидъат таълимотлар устида тўхталиб ўтган. Жумладан, Шамроҳия, Абоҳиянинг ҳам таълимотлари асосида фахш ишларни ҳалолга айлантириш ётганлигини ва уларнинг тарғиботлари аҳоли эътиқодига ва, шу билан бирга, жамият мафқурасига катта таъсир кўрсатганини таъкидлаб ўтади.

Сўфи Оллоёр жамиятнинг қатламларига тобора чуқур кириб бораётган бидъат таълимотларнинг Ишққа бу таҳлит муносабати ва аёлу эркагининг шаҳватлараст, зинокорлиги жамият, айниқса, ёшлар тарбиясига жиҳдий зарар етказишидан хавотирланади;

Аларда бўлмагай ҳеч яхши ният,  
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамият.  
Ўшал хотунки номаҳрам назардур.  
Агар шамсу қамардур, мочаҳардур.  
Агар чандики бузургзодадур ул,  
Яқин бил, тўрт оёқлик модадур ул.  
Ани манъ этмас эрдур беҳамият,  
"Хулоса"да эрур мундоғ сувиййат.<sup>42</sup>

Сўфи эркакларни бу иллатларга қарши курашишга чақиради:

Багайрат эр бўлур рози қазога  
Юбормас хотунин тўю азога.  
Фараз, эй бандалар, нозир бўлинглар!  
Ёмон йўл фирмага ҳозир бўлинглар!

Сўфи Оллоёр ушбу иллатларга қарши курашни ҳар ким ўз оиласидан бошламоғи кераклигига эътиборни қаратади:

<sup>41</sup> Инсоннинг ўзи орттирган обрў-эътибори насл-наслбидан улуғдир.

<sup>42</sup> Сувиййат - ёмон иш

Таажжуб фитналиқдур бу замона,  
Тушубдур эрлар ақволи ямона.  
Хирадманد, әшиг мандин ичесе панд,  
Бу сүзга бўлмадим омил ҳар чанд.  
Замона хотунини йўлга солмоқ,  
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ.  
Ёмон бўлса, наъзу биллаҳ ондин,  
Зиёдин ҳеч ўзга келмас ёмондин.  
Ёмон хотун шаётин<sup>43</sup> қамчисидур,  
Қўлинг боғлагувчи аргамчисидур,  
Ду олам нори бўлса нори кетсун!  
Кўзунг кўрмасга шум дийдори кетсун!-

Ва сохта шайхларнинг сұхбатларига аёлларини олиб борган  
эрларни қаттиқ қоралайди:

Олиб борса киши аҳли аёлин,  
Кўтарур беҳамиятлик вуболин.  
Ҳаром ишники тоат билди инсон,  
Эрур бул эътиқоди номусулмон.  
Биродарлар, билинглар роҳи Ҳақни!  
Тутинг душман ул айғон фираси!

Шу ўринда келгинди оқимлар мафкуралари таъсиридан  
ташқари давлат сиёсатидаги бекарорлик ва ўткинчилик кайфияти,  
адолат қонунларининг ишламаслиги аҳолининг эртанинг кунга  
ишончини сўндирганини, жамиятни жар ёқасига олиб бориб  
қўйган иллатлар-порахўрлик, зўравонлик, тамаъгирилик авжига  
чиққанини айтмасликнинг иложи йўқ. Чунончи, Сўфи Оллоёр  
"Маслак ул-муттақин"да ёзади:

Ҳам дар ин балдаҳои мо, дони,  
Заъф рафтааст дар мусалмони.  
Зоҳидоне, ки шайх номиданд,  
Хештанро бузурге Ҳақ диданд.  
Суннат-и Мустафоро гузаштаанд,  
Ру-и дел ба ҳудус доштаанд.

<sup>43</sup> шаётин-шайтонлар

**Баъзи аз олимон чунин шудаанд  
Фитнаомуз-и омиён шудаанд.  
З-ин сабаб золимон далер шудаанд,  
Аз барои гирифтугир шудаанд.**

Мазмун: Агар билсанг, бизнинг юртларда мусулмончилик сусайиб кетди. «Шайх» деб улуғланган зоҳиглар ўзларини бузруквор ҳисоблай бошладилар. Улар Пайғамбар суннатини бир четга сурниб қўйдилар. Кўнгилларини дунё ҳою ҳавасларига боғладилар. Баъзи олимлар шундай бўлдиларки, авомни турли фитналарга ўргата бошладилар. Бундан золимлар манфаат кўрдилар. Улар журъатли бўлдилар. Қаттиққўл бўлиб, систамга зўр бердилар.

Сўфи Оллоёр ўзи ҳам шу муҳитда нафас олганини афсус билан эслайди:

**Хидмат-и шоҳ-и аср мекардам,  
Нон-и заққуму заҳр меҳурдам.  
Яъни ионе ки аз тамаъ пайдост,  
Гўям аз ин зиёда низ равост.  
Дар нешастан таассуб ойин бувад,  
Фам болову фикр поин бувад.  
Вақт-и хурдан таом мешуд заҳр,  
Яъни уқуф-и мост дар ин шаҳр.  
Бар рух-и ҳар яке шуда ҳандон,  
Гуфта мешуд хушомад чандон. (18<sup>а</sup>-вар.)**

Мазмун: Аср шоҳи ҳузурига хизмат қиласдим, топган ноним заҳар-заққум эди. Чунки тириқчилик тамаъ орқали ўтар эди. Ҳатто ундан-да бағтар десам ҳам бўлади. Ўтирганда таассуб зоҳир, фам кўпу фикр қилиш йўқ эди. Еяётган овқат заҳарга айланар эди, бу шаҳарда бизнинг одатимиз ҳар кимнинг юзига ясама табассум қилиб, чандон хушомадлар уриш эди.

Назаримизда, Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбе-қистон худудини XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг қамраб олган маънавий таназзул сабаблари қуийдагиларда кўринади:

Биринчидан, темурийлар салтанати емирилган-дан сўнг мамлакатда узоқ вақт давом этган парокандалик, кети узилмаган босқинчилик урушлари, қўлдан-қўлга ўтаётган давлат бошқаруви жамиятда бекарорлик ва саросима кайфиятини кучайтириди. Натижада анъанавий таълим-тарбия тизими бутунлай ишдан

чиқди. Асрлар давомида эришилган тамаддун яшин тезлигидага таназзулга юз тута бошлади. Жамият жабр ва зулм, жаҳолат ва қабоҳатнинг синов майдонига айланди.

Иккинчидан, XV-XVI асрларда нақшбандия ғояларида ўз аксини топган мол-мулк йиғиш ва сиёсатга аралашишга рухсат XVII асрда нақшбандия пирларининг сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилишларига олиб келди. Бу, ўз навбатида, уларнинг зиммаларидағи улкан ва масъулиятли бурч – авом, яъни оддий халқнинг, жамият тарбиясидан ҷаҳлиб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйишиларга сабаб бўлди. Натижада таргибот ва тарбия усуллари заифлашиб, омма мағкураси ва фаолиятида дунёга ружу, зўравонлик, майший тубанлашувга мойиллик кучайди.

Учинчидан, тариқатларнинг XII-XVI асрлардаги ривожланиш босқичларида пайдо бўлган баъзи салбий тамойиллар халқ мағкурасида бекарорлик, иккиланиш, қатъяйтсизликни вужудга келтирди. Масалан, муридларнинг шахсий манфаат юзасидан пир вафотидан сўнг уни илоҳийлаштириб, шахсига сифинишни талкиллаштириши, замондош ёки машҳур авлиё суфийларга рақобат тарзида бўлган-бўймаган қароматларини бўрттириб, маноқиблар ёзиб, ўз пирининг валийлик даражаларини олий мақомларига кўтариш орқали келажак тирикчилиги учун мустаҳкам пойдевор ясад олишга интилиши халқ онгида ҳамма пир Валиуллоҳдир ва уларга сифиниш барака келтиради деган қатъий тасаввурнинг пайдо бўлишига ва мамлакатнинг катта-кичик барча туманларида ўша ерда дағи этилган пирларнинг қабрларини сифиниш объекти қилиб олишларига олиб келди. Бора-бора ушбу пирларнинг издошлари, муридларига ҳам сўзсиз итоат тамойили шаклнди. Бу эса аста-секин нақшбандия ва қисман яссавия тариқатларида мамлакат ҳудудларини кўпроқ ва тезроқ ўз таъсир доираларига тортиш мақсадида кўплаб пир-муршидлар тайёрланиб, маълум ҳудуд-ларга тайинлаш авж олишига сабаб бўлди. Улар ҳам ўз ваколатига берилган ҳудудлар доирасида маълум жойларда муридлари орасидан иршод қилиш ҳуқуқи берилган ўринбосарлар сайлаганлар. Натижада тариқат мактаблари сони ортиқ даражада кўпайиб, улар ва ҳатто ягона силсилавий ўюшма орасида пинҳона рақобат пайдо бўлган. Шу тариқа мамлакат маънавий хаёти тақдири руҳоний имомларнинг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлиб қолди. Шу билан бирга, «тариқат аҳли Оллоҳнинг севлан бандалари ва авлиёларнинг ўринбосарлари»дир, демак, уларга ҳар бир ишда ишониш, орқасидан эргашиш-фазилат деган эътиқоднинг кучлилиги боис,

халқ тафаккурида Ҳинҷ, Эрон, Туркия миңтақаларидан тинимсиз келиб турган турли мағкура ва эътиқоддаги кўп сонли "суфийнамо" кассоб "кўзбойлағич" ларнинг намойишларини каромат деб билиш, уларнинг хурофий, бидъат таълимотларини "ота-боболарнинг йўли" сифатида қабул қилиш каби адашиш илдиз ота бошлиди.

Тўртинчидан, XVI-XVII асрларда Мовароуннаҳр ҳудудининг кўп қисмини ташкил этган чўл-саҳро қисмида ўтроқлашган янги ўзбек этник қатламиининг маданиятида хурофий урф-одатларнинг сақланиб қолганлиги мамлакатдаги маънавий таназзулни тезлаштирган энг муҳим сабаб деса бўлади.

### III БОБ. СҮФИ ОЛЛОЁР БЮОКЛАИГИНИНГ СИРИ

#### Буюк даъват

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кучли мавқега эга бўлган нақшбандия ва яссавия мактаблари фаолиятининг сиёсийлашуви натижасида маънавий тарбия савиясьининг пасайиши, тариқат пирлари фаолиятида сўз ва амалнинг номувофиқлиги ҳалқнинг темурйилар салтанати давридан мерос бўлиб келаётган ягона марказлашган тарбия ўчоқларини парчалаб ташлади. Мамлакатда турли савиядаги юзлаб тариқат мактабларининг пайдо бўлиши ва улар ўргасидаги пинҳона рақобат ҳалқ мағкурасига салбий таъсир кўрсатди. Руҳий-маънавий озуқага муҳтож аҳоли "улуғ пир", "дастгир Валий" ниқоби остида ташқаридан кириб келган қаззоб кимсаларнинг "каромат" ларига ва уларнинг гумашталари томонидан оддий меҳнаткаш ҳалқнинг авлиё ва пирларга бўлган чексиз эътиқодини сунистеъмол қилиб, тилёғламалик билан ишонтирилган бидъят таълимотларга эргаша бошлиди. XVI-XVII асрларда Мовароуннаҳр ҳудудининг кўп қисмини ташкил этган чўл-саҳро қисмида ўтроклашган янги ўзбек этник қатлами маданиятида исломга зид урф-одатларнинг сақданиб қолганилиги жоҳилият унсурларининг жонланишига ва аҳоли ўргасида исломий эътиқоднинг сусайишига олиб келди.

"Сабот ул-ожизин" китобида Сўфи Оллоёрнинг ҳалқпарвар зиёли, фидойи қалб соҳиби сифатида жамиятнинг нақадар аянчли ҳолатга келиб қолганини, залолатга ботиб, нафс қурбонига айланайтганини теран англаб етгани ва даҳшатта тушгани аниқ ифодаланган. Қуйидаги сатрларда бу яққол кўринади:

Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин,  
Ёпар бидъят билан суннат жамолин.  
Баҳойимдек иши ичмак-емақдур,  
Қуруғ тил била умматмиз демақдир.  
Илоҳи, лутғ қиъл, ҳасратли соат  
Ҳабибингдин<sup>44</sup> насиб эттил шафоат.  
Айирма яхшиларнинг орасидан,  
Йироф этма Ҳабибинг қорасидан.(127-бет)

<sup>44</sup> Ҳабиб- Муҳаммад алайҳиссалом

Сүфи Оллоёр тариқатлардаги амалий риёзатлар инсонни юксак камолотга эриштиришини инкор этмайды. Аммо тасаввуф таълимотининг XVII асрга келиб турли бидъат қарашлар билан қоришиб кетгани ва ўзининг асл моҳиятига зид равишда исломий эътиқод руҳида таълим-тарбия олиб келган Ўрта Осиё халқдари ақидасига, маънавияти-мағкурасига жиадий зарар етказаёттанини кўргач, халқнинг Ҳидоят йўлидан чалғиёттанига ишонч ҳосил қиласан дейиш мумкин. У жамият ислоҳ қилинmas экан, сохта авлиёлар нафс илинжидага халқни гумроҳ этиши, кўркўона сиғиниш оқибатида имон-эътиқодга путур этиши мумкин эканлигини чуқур англаб етди. Нафс, таъма, ўйирлик, товламачилик авж олган, маърифат унтуилаёзган, илм-фан таназзулга юз туттан жамият тақдиринга бепарво бўлиш унинг эътиқодига зид эди. Бу жирканч балонинг оди олинмаса барчани ўз домига тортиши муқаррар бўлиб, бундан қутулиш чораси кучли раҳбар етакчилигида бидъатларга қарши ёппасига кураш эълон қилиш эди:

Киши қилса хилофи ҳукми шаръий,  
Ани жинни дегил ё марди саръий.<sup>45</sup>  
Агар сув устида юрса ўшал кас,  
Дегил чандон бўлур сув устида хас.  
Ҳавога учса ул монанди жиндор,  
Ани ҳодий дема, шайтони диндор.  
Керак тобиъга матбуъи мукаммил,  
Улур тандин бўлур пайдо улуг зил.<sup>46</sup>

Халққа комил ҳидоят пири лозимлиги хақида қайғурган Сүфи Оллоёр воқеан ўзи раҳбарлик вазифасини бўйнига олишига тўғри келди. "Маслак ул-муттақин" асари сўнгидаги шоирнинг Муҳаммад алайҳиссаломга қиласан хитоби юқоридаги фикрларимизнинг аниқ тасдиғидир:

Ё Расуло, мифтоҳ, ул-абвоб!  
Умматон-и гарибро дар ёб!  
Ту, ки қурбию мансилат дори  
Арз-и мо кун ба Ҳазрати ёри.  
Гў, ки чаанди з-умматони ман,

<sup>45</sup> марди саръий - девона

<sup>46</sup> зил - соя

Ошиқ-и хок-и остан-и ман,  
Орзу-и туроб-и мо доранд,  
Лек бо доғҳо герефторанд.  
Онқадар нотавону ҳайронанд,  
Нест дармон, ки даст жунбонаанд.  
Жон-и эшон расидааст ба лаб  
Дил-и онҳо ҳануз су-и талаб.  
Эй, муқаррабтар-и муқаррабҳо!  
Жон-и ширин расид ба лабҳо.  
Аз худованд-и хештан ҳоҳи,  
То кушояд ба су-и мо роҳи. (579-6)

Мазмуни: Эй, Расулулоҳ, гарид умматингга назар ташла. Сен Оллоҳ таолога яқинсан. Бизнинг арзимизни унга етказгил. Айтгилки, "умматимдан останам тупрогини кўзига суршига тайёр бир нечаси бизга етишиш йўлида сийналари доғга тўлмишадир. Ожизлик ва нотавонликдан кўл қамирлатишга дармонлари қолмаган. Жонлари лаб учига келган бўлса-да, аммо ҳануз талаб йўлидан қайтганлари йўқ." Эй, Унга яқинларнинг яқинроғи бўлган, Сен! Жонимиз лаб учига келди. Парвардигордан бизга ўйл очиб беришни сўраб бергин!

"Маслак ул-муттақин" нинг 1700 йилда ёзилганини эътиборга олиб, Сўфи Оллоёр шу даврдан бошлаб сокин норозилик кайфиятидан онгли равищда кўраш майдонига чиққан дейиш мумкин. Қуйидаги байтлар мазмуни шоирнинг қатъий қароридан дарак беради. Сўфи Оллоёр Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб килиб, дейди:

Азм-и ин шоҳро агар накунам,  
Аз барои ту по зи сар накунам,  
Рўз-и маҳшар зи хок бар хизем,  
Ба жамол-и ту чун нигаҳ созем?  
Ё Ҳабиб-и худо! Миён бастам,  
Лек дар ком-и аждаҳо ҳастам.  
Он, ки дар коми аждаҳо бошад,  
Ме надоним чун раҳо бошад?  
Лек умидвор аз ин бобем,  
Махлас аз ком-и аждаҳо ёбем.  
Заҳрҳое, ки рехт оташнок,

**Ки ба афсун лутф созад Пок.**

**Бандаро нест дар жамиъ-и ҳол**

**Меҳрибонтар зи Ҳазрат-и мутаол. (579-б)**

Мазмуни: Агар сенинг айтиб кетғанларингни қиласам, сен учун жонимни жабборга бермасам, эрта Қиёматда ердан бош кўттарсак, Сенинг юзингга қандай қараймиз! Эй, Худонинг ҳабиби, (курашга) белимни борладим. Аммо мен ажарҳо комидаман. Ажарҳо комида ўтирган киши кутулишга қандай ёўл топсин? Лекин биз умид қиласизким, ажарҳо комидан албатта кутулгаймиз. Оловли заҳар пуркашларини Парварди-горнинг ўзи даф қилсин. Барча (кураш) ҳолатларида менга Оллоҳ таолодан бошқа меҳрибон йўқдир.

Кўриниб турибдики, Сўфи Оллоёр ўзини жамият тақдири учун масъул деб билади ва ушбу кураш мукаррарлигини таъкидлайди.

Асарнинг форсийда битилганига қараганда, Сўфи Оллоёр дастлаб ўтроқ аҳолидан иборат шаҳар, қишлоқлардаги тожик ва ўзбеклар орасида иш олиб борган. Унинг қуйидаги тожикча сатрлари шу мулоҳазага олиб келади:

**Шояд инро авом бихонаанд.**

**Сурат-и эътиқод-и худ донанд.**

Мазмуни: Шояд буни оддий ҳалқ ўқиса,

Ўз эътиқодининг моҳиятини билса.

Ушбу байт мазмунидан англашилган "оддий ҳалқ ичига юриш" мутафаккирнинг бизга маълум таржимаи ҳолига ҳам тўғри келади. Чунки кейинги ҳаёти тўлигича Бухоро, Самарқанд шаҳар ва қишлоқларида, Қашқадарё ва Сурхондарё даشتларида яшовчи, XVI асрда Шайбонийларнинг ҳарбий юришлари натижасида Дашиби Қипчоқдан кўчиб ўтган кўчманчи туркий уруғ-қабилалар орасида ўтган<sup>47</sup>. Шу жиҳатдан ҳам "Маслак ул-муттақин"нинг тожик, "Сабот ул-ожизин" китобининг ўзбек тилида ёзилишидан кўзланган мақсад аниқ бўлади. Бу икки китобнинг оддий, содда тили ва таъсирчан руҳи ҳалқ мафкурасига тез ва самарали таъсир кўрсатди. Улар ўзига хос панд-насиҳатнома, ёшларни тарбиялаш дастури, қўлланмаси сифатида ҳар бир конадонга кириб борди. Шоирнинг

<sup>47</sup> Унинг асосий манзилгоҳлари Каттақўргон шахри, Самарқанд ва Қашқадарё чегарасидаги Чўнқаймиш қишлоғи, Гузор ва охиргиси Сурхондарёнинг Вахшивор мавзеси бўлганлиги маълум.

Ақида билмаган шайтона элдур,  
Агар минг үйл амал деб қылса елдур.  
Уялма маърифатни ўрганурдин,  
Танур<sup>48</sup> жойинг бўлур қолсанг танурдин-

каби чақириғи шаҳару қишлоқларда, чўлу саҳроларда тоғ багрларида дунё ғамига берилган ҳар бир гумроҳ қалба аксадо берди.

Сўфи Оллоёр ижоди ва фаолиятини ўрганиш шундай фикрга олиб келдики, у жамиятни қайта тарбиялаш, унинг вужудини тури мәразлардан даволаш, маънавияти булоқлари кўзини очиш ва ҳалқ мағкурасини ёт унсурлардан тозалаш, ислоҳ қилиш ҳаракатларида аниқ дастур билан иш кўрган. Буни, **бириңчидан**, инсон эътиқодини мустаҳкамлаш, аҳоли онгини ёт мағкуралардан, хуроғий бидъатлардан тозалаш, сохта авлиёлар ва улар шахсига сигиниш иллатларини илдизи билан кўпориб ташлаш, **иккинчидан**, эътиқоди мустаҳкам Комил инсонни тарбиялаш дастури, деб аташ мумкин. Сўфи Оллоёрнинг тозаланиш дастури икки йўналишида иш олиб боришига асосланган яққол кўриниб туради. Бири, оддий ҳалқ, яъни – “авом ун-нос” ичиди, иккинчиси, жамиятнинг зиёли табақаси орасида таблиғ-тарвиж ишларини жонлантиришга йўналти-рилган. Ушбу дастурнинг биринчи йўналиши ҳақида унинг дастлабки асари “Маслак ул-муттақин”да баён этилган. Жумладан, асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида тўхталар экан, улар орқали мутафаккир ўз даври ижтимоий-маънавий мухитининг ислоҳ этили-ши лозим бўлган қирралари билан таништиради :

Ин сухан аз барои чандин важҳ  
Ба ҳусус, эй бародарон, зин важҳ:  
Бу Ҳанифа, ки шамъ-уммат буд,  
Ба забон-и шакар чунин фармуд:  
“Ончи имон ба ў дуруст ояд,  
Эътиқоди кас онқадар бояд.”

Мазмұна: Ушбу китобни ёзишга бир неча сабаб турткы бўлди. Ҳусусан, эй, биродарлар, шу сабабданки, уммат шамчироғи бўлган Абу Ҳанифа ширин тили билан шундай деги: “Ҳар кимнинг имони қанчалик бақувват бўлса, унинг эътиқоди ҳам шу даражага бўлгади”.

<sup>48</sup> танур- тандир. Бу ерда жаҳаннам маъносида

Демак, имон сустлашса, эътиқод ҳам шунчалик заиф бўлади. Имон нима дегани? Имон Оллоҳнинг ягоналигига, унинг фаришталарига, пайғамбарларига, илоҳий китобларга, қиёмат кунига, барча яхши-ёмон ишлар Оллоҳдан эканлигига қатъий ишонмоқ демакдир.

Демак, китобнинг ёзилишига биринчи сабаб-халққа ИМОН моҳиятини чуқуроқ тушунтириш эди.

Халқнинг маърифатсизланиши ва ёт мағкуралар тузогига тез илиниб қолишидаги асосий сабабни Сўфи Оллоёр ўзбек ва тожикларнинг ўз она тилларида ақидавий ва фиқҳий масалаларни ўқиш имконияти йўқлигига деб билади. Дарҳақиқат, эътиқод масалаларига оид барча дарслик ва қўлланмалар араб тилида бўлиб, форс тилида ёзилгани ҳам мураккаб ибора ва ифода услубига эга бўлгани сабабли кўп ҳолларда тушунишда маълум қийинчиликлар түбдирап эди. Улар фақатгина мадрасаса кўрган, саводи яхши бўлган зиёлilarнинг чекланган гуруҳларигагина тушунарли эди, холос. Аммо саҳрои ва шаҳар жойларида истиқомат этувчи кўпчилик авом ҳалқ бу китобий ибораларни тушуниш у ёқда турсин, ҳатто ёзув-чизувдан деярли бехабар бўлиб, муайян қатлами фақат бошланғич маълумотга эга эди. Сўфи Оллоёр китобнинг ёзилишига туртки бўлган **иккинчи сабаб** шу эканлигини қайд этади:

Важҳ-и дигар з-толиби илмон,  
Донанд онҳо далил сад чандон.  
Дар шуруҳ, ҳавоши маълум аст,  
Сангি мушкел ба наздашон мум аст.  
  
Дар биҳори улум амвожанд,  
Ба чунин нусхаҳо на муҳтожанд.  
Порае, ки шекастапо ҳастанд,  
Толиб-и шаръ-и Мустафо ҳастанд.  
Фаҳмашон дар баёни Ҳақталаби,  
Нанешинад ба нусха-и араби.  
Шояд, ки он ҳалқро муғид бувад,  
Гуфтани ман ба ин умид бувад. (26-б)

Мазмуни: Иккинчи сабаби, илм толиблари юзлаб далилларни биладилар, «Шарҳ»лар ва «Хошия»лардан уларга маълум. Энг қийин масалалар тоши улар наздига мум кабидир. Улар илм генгиэларининг мавжларицирлар ва бундай китобларга муҳтож эмаслар. Аммо бу фанда оқсоқ бўлганлар борки, гарчи Пайғамбар

шариатини ўрганишга иштиёқлари бўлса-да, Ҳидоят ҳақидаги китоблар араб тилига бўлгани учун фаҳмлари етмайди. Менинг умидим, шояд айтганларимниң ўша ҳалқа фойдаси тегса, дейман.

Учинчи сабаби асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мағкураларнинг турли бидъат таълимотларига учмаслик, улар исботлашга урина-ётган турли "илмий" қарашларнинг беҳудалигини таъкидлаш ва фикҳий масалаларни Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби доирасида ҳалққа тушунтириш мақсадида ёзилган:

**Файр аз ии дар китобҳо дидам,  
Илм-и биҳударо бегузидам.  
Ии сабаб аз мухолифонг-и мазҳаб,  
Накушудам зи қавли онҳо лаб.  
Лек андар фуруъ жон қандам,  
Жон-и ширин барои он қандам.**

Мазмуни: Ундан ташқари, кўп китобларни кўрдим, беҳуда илмларни чиқариб ташладим. Шу сабабдан мазҳаб мухолифлари қарашларини келтирмагим. Аммо фуруъ-фиқҳий масалаларни тўғри изоҳлаш учун ўзимни аямадим ва ширин ҳаловатимни шу ишга барышладим.

Сўфи Оллоёрнинг бирин-кетин яратилган "Маслак ул-муттақин" ва "Сабот ул-ожизин" асарлари айни ана шу кураш дастурини амалга оширувчилар учун изчил қўлланмалар тарзида дунёга келган ва ўз даврида ниҳоятда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўриқномалар эди.

Сўфи Оллоёр ижодиёти руҳиятидан оддий ҳалқни тўғри йўлга бошлиш, маърифатини ошириш ва маънавияттини тузатиши учун икки усусли қўллагани сезилади: Биринчиси, жонли содда ўзбек ва тоҷик тилларида тушунтириш. Иккинчиси, қон-қонига сингий бошлаган ёвуз, нафсоний иллатларни тезда чиқариб ташлаш учун нариги дунё азoblари хавфидан огоҳлантириш усули. Кейингиси ўша давр учун энг самарали усул бўлганлигини ҳалоллик, бироннинг ҳақига хиёнат қиласлик, художўйлик, сабртоқатлилик ўзбек ҳалкининг менталитетига айланганида кўриш мумкин.

**Авом ун-нос иўналишидаги ишлар Сўфи Оллоёр томонидан икки босқичда амалга оширилганини мушоҳада этиш мумкин.**

Биринчи босқич халқни покланиш, тозаланишга даъват босқичи ишларида намоён бўлади. Иккинчи босқич эса **аҳлоқ ва маърифат тарбияси босқичи** бўлиб, ҳушёр тортган халқни маърифатли қилиш, бузғунчи мағкураларга илм ва маърифат билан муносиб қарши тура оладиган онгли, эътиқодли шахсни камолга етказиш учун курашда кўринади. Дастреб у "лоқайдлик - эътиқодга хиёнат" шиори остида халқни уйғонишга чақирди. Жамиятни тезроқ жар ёқасидан қайтариш, уни Ҳақ, йўлига ўнгариш ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг жамият олдидағи бурчи эканлигини тушуниришга ҳаракат қила бошлади:

**Мусулмон ўслини кўрсанг кўзингдек,  
Зарарда, нафъда билсанг ўзингдек,  
Қаю қулни мунингдек бўлса ҳоли,  
Бўлур бешак мусулмонлиғ камоли.  
Агар чандики бўлса шубҳаи кам,  
Раво кўрсанг ани ўз нафсингта ҳам.  
Раво кўрма мусулмонега зинҳор  
Агар берсанг баногоҳ айла изҳор.**

Сўфи Оллоёрнинг иккинчи шиори "**шахс ва жамият бир-бирига масъулдир**" даъвати эди. У "агар ушбу бидъат ишларни ўзинг қилмасанг-да, аммо жамиятнинг тубанлашувига рози бўлиб, лоқайд бўлишинг айни гуноҳдир, гуноҳ бўлганда ҳам, гуноҳларнинг энг оғири-куфрга тенгдир", дея бонг уради ва Абу Ҳанифанинг "куфрга ризо бўлишинг ўзи ҳам куфрдир" деган машҳур иборасини яна бир бор эслатади:

**Хиёнатким эрур пайдо кўнгилдин  
Муни англа диёнат берма қўлдин!  
Наким, тушса кўнгилга ё кўзинга,  
Раво кўрмасанг ул ишни ўзингта,  
Қаю ишга ризо бўлсанг кўнгилда,  
Агарчи қилмасанг, бўлсанг у йўлда,  
Эрур исён!<sup>49</sup> Ризойи<sup>50</sup> чунки исён!  
Ризойи куфрдир, куфр, эй, мусулмон!**

<sup>49</sup> исён-гуноҳ

<sup>50</sup> ризойи- розилик

«Билиб туриб, йўл кўрсатмаслик-бахиллик», - дейди у. - «Бахилликнинг ҳам, хиёнатнинг ҳам энг каттаси - халқ тарбиясидан ўзни четга олишдир»:

Хиёнатнинг бари ҳам бўлди мавсуф.  
Билиб, қилмаса ҳар ким амри маъруф.  
Вагар нахий этмаса мункар ишини,  
Хиёнатлиғ дегил андоғ кишини!  
Бирор йўл билмайин юзланса чўлга,  
Билиб, гар солмасанг сан яхши йўлга,  
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат?!  
Эрур андоғ улуғ бухлу хиёнат!  
Агар олингда тифле<sup>51</sup> бўлса ногоҳ  
Ёнар ўтта тушарин билсанг огоҳ,  
Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,  
Нечук бўлгай мусулмонлигда инсоф?!  
Жамиъи бандай мўъмин, саросар,  
Эрурмиз бир-бирилизга биродар.  
Бирор чиқса тариқи охиратдин,  
Ўгурса юз мақоми мағфиратдин,  
Агар кўрсатмаса йўл кўрган инсон,  
Бахиллик мундин ўтмас, эй, мусулмон!

Сўфи Оллоёр ўз чақириига жавоб берган дастлабки маслақдошларига халқ ичидা «амри маъруф», яъни тўғри йўлни кўрсатиш ва «нахий мункар», яъни ёмон ишлардан қайтаришни буюради. Шу билан бирга, ҳар бир амри маъруфчи ўзи биринчи навбатда айтганларига амал қилмоғи лозимлигини, акс ҳодда натижага эришиб бўлмаслигини таъкидлаб, ўзининг учинчи - «ибрат ва риёсиз амал» шиорини ўртага ташлайди. Бу ислоҳотларда ўзи ва маслақдошлари олдинги сафда туриб, **риёсиз амаллари билан ибрат бўлишларини шарт деб билади:**

Ва лекин амри маъруф айлаган мард,  
Ўзи бўлгай амаллиғ соҳиби дард.  
Агар омир<sup>52</sup> эмас росих<sup>53</sup> сўзига  
Қачон таъсир этар ўзга кишига?!

---

<sup>51</sup> тифл- бола, ёш

<sup>52</sup> омир-эга

<sup>53</sup> росих-асосли

Ишимиздур риёу ҳийла тазвир,<sup>54</sup>  
Қылур айғон сұзимиз кимга таъсир?!

Агар сен айтган билан тузалмаса, гуноҳи ўзига. Сен ишни тұхтатма. Қўлингдан ёки тилингдан келмаса, хулқинг билан бидъатларға қарши тур:

Сан айғон сўнг туз бўлмаса ҳоли,  
Ўзининг бўйнига ургай ваболи.  
Очибдурсан биродарликни бобин,  
Топибсан амри маъруфни савобин.  
Агар келмаса қўлдин ё тилингдин,  
Ёмон кўр ул ишни жону дилингдин.

Унинг чақириқлари ижтимоий иллатлар газак олган барча ерларда баралла акс-садо бериши ва саъй-ҳаракатлари кутилган натижаларни бериши учун халқни бош коя атрофида бирлаштириш зарур эди. Сўфи Оллоёрнинг бош фояси "Эътиқоди мустаҳкам Комил инсон тарбияси" бўлиб, уни амалга ошириш моҳияттан, Комил инсон тарбиясини умумжамият вазифаси қилиб белгилаш эди.

### Ахлоқ ва нафс тарбияси

Ақида илмининг асосий мавзуси Имон моҳиятининг шарҳидир. Имон ислом динининг бош масаласидир. Оллоҳ, унинг Китобларига, пайғамбар-лари, фаришталари, қиёмат куни, қазонинг ҳақлигига қатъий имон бўлмас экан, ундей киши мусулмон деб аталмайди. Имоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти мавжуд:

- Тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишлаб, ижобий томонга тақомиллашмоғи, эзгу амаллар қилмоғи ва ўзини ибодат ҳамда итоатга ўргатмоғи;

Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан имон тўғрисида

<sup>54</sup>тазвир- алдов, қалбакилик

сүралганда, қуиңдегі ояты каримани ўқиган экан: «Оллоқ таоло айтади: «Яхши кишилар ибодат пайтида юзларини Шарққа ёки Farbga қаратған кишилар эмас, балки Оллоқ таолога, унинг фаришталарига, охират кунига, китобларига пайғамбарларига ишонган, яхши күрган мол-мұлқини қариндошларига, етим-есирларга, мискину фақыр-ларга, мусофиру тиланчиларга сарфлаган, намоз ўқиган ва закот берган, Оллоқ билан ўзи ўртасидегі ва бандалар ўртасидегі аҳдига вафо қылған, етишмовчиликларга қаноат қылған ва бошига күлфат түшганды бардош берган кишилардир. Мана шу сифатта зәға бўлғанлар динига содиқ одамлар бўлиб куфр ва ярамас хулқлардан ўзини эҳтиёт қылгайдирлар ва ўзларида етук инсоний фазилат-ларни мужассам қылгайдирлар»<sup>55</sup>.

«Жомиъ ас-саҳиҳ»да келтирилишича, Абу Ҳурайра шундай ривоят қылған экан: «Жаноб Расулulloҳ: «Тўлин ой кечасидегі ойга қараб зарар кўргаймисизлар?» -дедилар. Саҳобалар: «Йўқ, ё Расулаллоҳ!» -дейишиди. Шунда Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Сизлар Уни (Оллоқ таолони) ҳам шул каби кўргайсизлар. Оллоқ таоло қиёмат куни бандаларини тўплаб уларга: «Ким ул дунёда қандай нарсага сифинган эрса, ўшанга эргашсин!» -дегай. Қуёшга сифинганлар қуёшга, ойга сифинганлар ойга, шайтонга сифинганлар шайтонга эргашгайлар. Маҳшарда танҳо шул мусулмон умматнинг ўзигина қолгай. Уларнинг ораларида Оллоқ таолодан шафоат тилаб бермоғимни сўровчилар ҳам бўлғайдир. Оллоқ таоло умматимнинг қошига келиб: «Мен Раббингизман» - дейдир. Улар (Оллоқ таолони кўрмай турғанлари учун янгишиб қолмаслик учун) «Раббимиз келгунча кутиб турадиган жойимиз шу ерми? Биз раббимиз келса, уни танигаймиз» -дегайлар. Кейин Оллоқ таоло улар танийдиган қиёфада келиб: «Мен Раббингизман» - дейдир. Шунда улар: «Ҳа, сен бизнинг Раббимиздирсан» -деб унинг ортидан эргашгайлар. Сўнг, жаҳаннам устига Сирот кўпириги ўрнатилгай-да, биринчи бўлиб мен ўз умматим бирлан ундан ўтгайман. Ўшал куни пайғамбарлардан бўлак ҳеч ким сўзламагай. Пайғамбарлар нуқул: «Ё, Парвардигоро, саломат сақлагил, саломат сақлагил!» -деб дуо айтиб тургайлар. Жаҳаннамда қиёқ тиканлари янглиф тиканлар бўлгай».

---

<sup>55</sup> Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ал-Бухорий. Жомиъ ас-саҳиҳ., 1-жилд., 14-бет.

Жаноб Расуллурлох қиёмат ҳақидаги башоратларини шул ерда түхтатиб, одамларга: «Сизлар қиёқни күрганмисизлар?» -дедилар. Улар: «Ҳа, Расулаллох» -дейиши. Жаноб Расуллурлох башоратларини давом эттирилар: «Үшал тиканлар қиёқ тиканига ўхшаш бўлгани бирлан катталигини Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмагайдир. Одамлар қилган қабиҳ амалларига мувофиқ илиниб қолгайлар, бирор ҳалокатта учрагай, бирор тилка-пора бўлғай. Хуллас, ҳар бир одам гуноҳига яраша турли даражада жароҳатлангай. Оллоҳ таоло ўз бандалари устидан ҳукм чиқариб бўлгач, дўзах аҳлидан кимларни ўз раҳматига мусассар этмоқни истаган эрса, ўшаларни дўзахдан чиқармоқни ирова қилгай ва фаришталарга буюриб «Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳ» деб Оллоҳ таолога ширк келтирмаганларни дўзахдан чиқармоқни амр қилгай. Бундай бандаларни ўтда куймай қолган сажда изларидан таниб олгайлар, чунки Оллоҳ таоло Одам боласинининг саждада иштирок қилган аъзоларидан бўлак ҳамма ёғини куйдирмоқни амр қилгайдир. Улар дўзахдан куйиб кўмир бўлган ҳолда чиққайлар. Устларидан ҳаёт суви қўйилгач, селдан кейин қолган лойқадан униб чиқсан майсадек ёшариб қолгайлар.

«Сабот ул-ожизин»даги ҳар бир шеър Қуръони карим оятлари ва Расуллурлоҳ ҳадисларининг шарҳи бўлиб, маълум мақсадга йўналтирилган. Инсон руҳиятига кучли таъсир этиш ва дунёқарашида тезроқ бурилиш ҳосил қилиш мақсадида улардаги қатъий огоҳлантириш усулидан кенг фойдаланилади.

Шунинг учун ҳам «Сабот ул-ожизин»даги мавзуларнинг энг муҳими Қиёмат куни ҳақидадир:

**Агар чандики гўрсиз ўлса инсон,  
Сўралур албатта бешаку нуқсон.  
Агар дарёда ўлсун ё осилсун  
Фазаб этса бани одам на билсун.  
Қиёмат ҳақ эрур, эй одамизод  
Худо Қуръон ичиди қилди кўп ёд.  
Ҳар ишни кўп қилибдурсан ва ё оз,  
Ҳисобини тилар ул бандадин боз.** (108-б)

Қуръони каримда айтилади: «Балки инсон олдинда фисқ-фужур (гуноҳ амалларни) қилмоқни истаб: «Қиёмат куни қаҷон ўзи?» -деб сўрар?! Бас, (кўрган даҳшатларидан) кўз қамашиб, (осмондаги) ой ҳам тутилган ҳолда куёш ва ой бирлаштирилган вақтда-ана ўша Кунда у (бу бало-офтальмадан) қаерга қочиб қутулиш

мумкин?»-деб қолур! Йўқ! (Эй инсон, Оллоҳнинг азобидан қочиб қутуладиган) бирон бошпана йўқдир! У кунда ёлғиз Парвардигоринг (хукм қилган жой)га қарор топишгина бордир! У кунда инсонга (ҳаёти дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қодиргган (барча) нарсаларнинг (яхши-ёмон амалларининг) хабари берилур! (Қиёмат сураси, 5-13 ояллар. Алоуддин Мансур таржимаси). Сўфи Оллоёр ҳалққа мурожаат этар экан, Қиёмат куни ҳақлиги, шунда Оллоҳ томонидан қилинажак ҳисоб-китоб муқаррар эканлиги ҳақида мулоҳаза қилиб, Яратувчи ва банда ўргасида мавжуд буюк аҳдни эслатади:

Яқин билгил муни, эй бандай зор!  
Худодин ўзга ҳеч йўқ, ҳокими кор.  
Нуугу қуллуқға болласанг белингни,  
Саноси бирла сабз этсанг тилингни.  
Лаҳаддин борча Одам ўғли турса,  
Бўлуб бир карвон Маҳшарга юрса.  
Валекин ҳар киши ўз мотаминда  
Бўлур охирги савдоси фаминда.  
Худо қилса нидо: «Эй, бандай зор!  
На келтурдинг, на турлик қилмишинг бор?  
Тану терингда тотлиғ жон яраттим,  
Баҳойим қилмадим, инсон яраттим.  
Ҳамиша айладим тарбиятингни  
Нуугу қилдинг парицон ниятингни.  
Саки солдим мусулмонлиғ ерина  
Қани шукр этгонинг мингдин бирина.  
Тамом аъзоларингни солим эттим,  
Ариғ<sup>56</sup> зотим билурға олим эттим.  
Суордим оби неъматдин тишингни,  
Қани айғил манга қилғон ишингни?!  
Не бергайсан жавобин, эй таңорой?!  
Бу ҳасратдин фиғон, эй русиёх, вой! (139-б )

Мутафаккир бу дунёда яшашдан мақсад фақат мол-дунё тўплаш, қийинчилкларсиз хузур-ҳаловатда яшаш ва дунё лаззатларини ҳар қадар кўпроқ тогиб қолиш лайида бўлмаслигига дикқатни қаратади. Куръони каримда айтилади: «Дунё ҳаёти шунчаки бир ўйинчоқ, эрмак, зийнат, ўзаро керилиб

<sup>56</sup> ариғ- улуг

мақтамоғингиз ҳамда бойлик ва бола-чака хусусида бир-бириңиздан ўтмоққа интиламоғингиз бўлиб, ул бир ёғин кабидурким, (ундирган) экин-текини, ўт-ўланлари деҳқонларни таажжубга солади, кейин эрса, қарасанг қуриб сарғайиб синиқ-синиқ чўп бўлиб ётади. Охиратда қаттиқ азоб берилмоғи бордир. Дунё ҳаёти алданмоққа сабаб бўладиган нарсадан ўзгаси эмас! («Ал-Ҳадид» сураси). Соғом эътиқод ва учинг кўрсатмалариға қатъий амал қилиш инсонни фақат хайрли ишлар билан шуғуланишга, маънавиятини эзгулик нурларига буркашига, ўткинчи дунё неъматларига тамомила берилиб кетмаслигига ёрдам беради. Нафс эса инсонни ҳамиша соғлом эътиқодга зид ишларга ундаиди. Куръони каримда айтилади: «Йўқ, сизлар етимни иззатикром қиласизлар! Мискин бечорага таом беришига ҳам бир-бириңизни тарғиб қиласизлар! Меросни эса (ўзларингизнинг улушингизга ўзгаларникини ҳам) қўшиб еяверурсизлар! Яна мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсиз-лар! Йўқ, (бундай кирдикорларингиздан қайtingиз!) Қачон ер (зилзилага тушиб, барча нарса) чил-парчин қилинганди, Парвардигорингиз(нинг ҳукми) ва фа-ришталар саф-саф бўлиб келганда, (Кофиrlар кўришлари учун) ўша Кунда жаҳаннам ҳам келтириб қўйилганда – ана ўша Кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма-ибрат олур! (Аммо у Кунда) бу эслатма – ибрат(нинг фойдаси) қаёдан тегсин?! У: «Кошкি эди, мен ҳаёт вақтимда (яхши амаллар) қилиб ўтган бўлсан», -деб қолур! У Кундаги (Оллоҳнинг) азоби каби ҳеч ким азоблай олмас! Ва У зотнинг боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас! (У Кунда ҳаёти-дунёдан Оллоҳ таолонинг ваъдасига ишониб иймон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминларга хитоб қилиниб, дейилур:) «Эй, хотиржам, сокин жон! Сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (хузурига) қайт! Бас, (солиҳ) бандаларим қаторига ва Менинг жаннатимга киргин!» «Вал-фажр» сураси, 17-30-оятлар. Алоуддин Мансур таржимаси). Демак, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ҳоҳиши инсоннинг комиллик касб этишидир.

Мотуридия қалом илмида иститоъатга, яъни инсон қудрати ва ихтиёрига тааллукди кўплаб мулоҳазалар мавжуд. Унга биноан, инсон олдида икки йўл бор. Бири тирик экан, ўз номаи аъмолини мустаҳкам эътиқоди ва эзгу ишлари билан тўлдириб бориш ва, иккинчиси, гуноҳларга ботиш, ёвузлик, бузгунчилик, зулм ва залолатни кўпайти-ришдир. Бу дунёда кўрсатиб қўйилган барча неъматлар Жаннат боғарида инсон учун тайёрлаб қўйилган.

неъматларнинг мингдан бир улусидир. Кейинги гурӯҳ учун оловли дўзах тайёрлаб қўйилган. Сўфи Оллоёр Расулуллоҳ (сав)нинг қўйидаги: «Сизга жаннат пойабзалингиз ипидан ҳам яқинроқдир, дўзах ҳам шундай эрур» ҳадисидан келиб чиқиб, ажала бефарқ бўлмасликка даъват этади:

**Эрур жанинату дўзах ҳоло мавжуд  
Яратибдур ани ҳалқига Маъбуд.  
Кирар дўзахга коғир, қайта ўлмас  
Азоби саҳтидин ҳаргиз қутулмас. (128)**

Инсон умрининг қисқалигини, ўлим келгач, пушаймон фойда бермаслигини эслатади:

**Ажаб йўл уқбаи ҳар бир қадамда,  
Жамиъи карвон баҳри ғамда.  
Хусусан, йўлда бир ваҳшатли уй<sup>57</sup> бор,  
Кирар ёлгуз бошинг ул уйға noctor.  
Айуруб карвондин, қўндирурлар,  
Қизил гулдек юзингни сўлдирурлар.  
Азиз жисмингки неъмат хора бўлгай,  
Қаро ер остида бечора бўлгай. (138-б.)**

Сўфи Оллоёр ҳаёт-мамот фалсафаси ҳақида ўйлаб кўришга чақиради:

**Ажал албатта бордур, ўзга бўлмас  
Ўлар ҳар зий нафас,<sup>58</sup> ҳаргез Ул ўлмас.  
Қаю қулга ажалининг вақти етса  
Қутулмас, ҳар нечаким ҳийла этса.**

Расулуллоҳ (сав) шундай деган эканлар: «Ораларингда Оллоҳ таоло сўзлашмаган бирорта ҳам одам қолмайди. Шунда ўртада таржимон бўлмайди. Киши ўнг тарафига қараб ҳам, чап тарафига қараб ҳам илгари ўзи қилган ишларидан бошқа нарсани кўрмайди. Рўпарасида фақат юзини ялаётган дўзах алангасини кўради (ЖС, 4/494).»

Сўфи Оллоёр беш кунлик бу дунёнинг лии этиб ўтиб кетиши, не азоблар, турли йўл ва воситалар билан топилган мол-давлатнинг

<sup>57</sup> ваҳшатли уй-қабр

<sup>58</sup> зийнафас-тирик жон

охират учун фойдасизлиги, у дунёда фақат қилмишлар юзасидан сарҳисоб қилинишидан огоҳлантиради:

**Баногоҳ карвон султони етса,  
Санга асл ватанин<sup>59</sup> ҳукмин этса.  
Улуғ йўлга киарсан ҳоҳ-ноҳоҳ,  
На қилгайсан vale бетўшай роҳ?!<sup>60</sup> (137-б.)**

Маълумки, Расууллоҳдан қабр азоблари ҳақида бир неча ҳадислар ворид бўлган. Жумладан, Имом Бухорийда Асмо бинти Абу Бакрдан шундай ривоят қилинади: «Қуёш тутилган куни Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотинлари - Ойиша синглимни кўргани бордим. Қарасам, одамлар намоз ўқиётган экан. Жаноб Расууллоҳ намоз ўқиб бўлгач, Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар-да, бундай дедилар: «Мен кўрмаган нарса қолмади, ҳатто шу ерда туриб жанинатни ҳам, дўзахни ҳам кўрдим. Менга Сизлар қабрда ётганингизда Дажжол фитнаси янглиғ бир синовдан ўттайсизлар, деб ваҳий қилинди», -дедилар. Кейин, шундай давом этдилар: «Ҳар бирингиз қабрда ётганингизда бир фаришта келиб: «Бул киши (Расууллоҳ)ни танийдирсеми?» - деб сўрайди (ЖС, 4/435)». Абу Ҳурайрадан ривоят қилинишича, Жаноб Расууллоҳ (сав) ҳамиша шундай дуо ўқир эканлар: «Эй, Парвардигор! Мени қабр ва ўт азобидан, ҳаёту мамот ҳамда Масиҳ Дажжол фитнасидан сақлагил, деб Сенга илтижо қилурман! (ЖС, 1/375)». Сўфи Оллоёр ҳадисларнинг огоҳлантирувчи жиҳатларидан унумли фойдаланади:

**Азоби қабр кофирларгадир чин,  
Кўрар гўрни азобин баъзи мўъмин.  
Сўрар: Кимдур худо бирла расулинг?  
Надур дерлар яна дининг ва йўлинг.  
Агар кирса фаришталар газабдин  
Чиқар ўт бурни ҳам оғзу лабдин.  
Агар ҳайбат била қиласа назора.  
Бўлур ғамгин кўнгиллар пора-пора.**

<sup>59</sup> асл ватан - нариги дунё.

<sup>60</sup> тўшай роҳ - йўл озуқаси, сафар жабдуғи.

Урарлар гурзи бирлан ул иккى ёр  
Эшитур инсу жиндин үзга жондор.  
Тұлар дўзах соридин қабр ичи дуд,  
Пушаймон анда ҳаргиз қилмажай суд<sup>61</sup>.(103-б.)

Сұғи Оллоёр жамиятнинг нажоти фақат умумий покланиш йўлига ўтища деб билади. Бу борада Расулуллоҳ (сав)нинг қуидаги ҳадисларидан келиб чиқади: «Абу Ҳурайра ривоят қилади: «Расулуллоҳ (сав) бундай деганлар: «Сизларни тарк этиб кетган муддатим давомида, (яъни қиёмагда учрашгунимизга қадар) менинг васиятларимга амал қилингизлар, чунким сизлардан илгаригилар ўз пайғамбарларига осийлик қилиб, ҳалокатга учраганлар! Мен сизларни недин қайтарган бўлсан, қиммангизлар! Ва нени амр қилган бўлсан, имконингиз қадар адо этингиз!».

Сұғи Оллоёр инсонларни ақл-хушни йигишга, гуноҳ ва бидъат йўллардан қайтишга ундейди:

Сочилмасдан бурун сочгил ўзингни!  
Сўралмасдан бурун сўргил ўзингни!  
Қозилмай ер санга, қайт озғонингдан!  
Ёзилмай иқдалар, ён ёзғонингдан!  
Бақодур дема айши бебақони,  
Яқони тут<sup>62</sup> ажал тутмай яқони!  
Макон этган ерингдур мухталит лой,  
Насиҳат гўша олсанг, гўша тут жой!  
Ёниб<sup>63</sup> айшу тарабдин, иста Рабдин,  
Ўзин билган қачон қолгай талабдин!

Тавба - бу, Ҳақ субҳонаҳу ва таолони танишга қўйилган илк қадам ва бидъат ишлардан қайтишнинг ибтидосидир. Расулуллоҳ (сав) айтадилар: «Агар сизлардан бирорким ўлса, қабрда унга эртами-кеч борадирган жойи кўрсатилиди. Агар у жаннат аҳлидан бўлса жаннатдаги ва агар дўзах аҳлидан бўлса дўзахдаги жойи кўрсатилиди (ЖС,2/374)». Шоир Оллоҳ марҳаматидан умидвор киши кеч бўлмасдан тавба қилиши ва мангугта сафар вақти келмасдан бурун сафар жабдугини маъсиятдан холи қилиши керак, дейди:

<sup>61</sup> суд-фойда

<sup>62</sup> яқони тут-эсингни йиф

<sup>63</sup> ёниб-қайтиб

Жасад қолмасдин илгари нафасдин,  
 Ҳаво<sup>64</sup> күп қилмагил, кечгил ҳавасдия.  
 Дари тавба очуқда иста маңсуд,  
 Иш ўтган сүнг пушаймондан нечук суд!  
 Эгил тезроқ Худонинг тоатига.  
 Кейин қўйма бу дамни соатига!  
 Йигитлиғда ажаб хуш хавф зори  
 Ёниналик келса хўб йилнинг баҳори  
 Мабодо тавба қилмасдин бурунроғ  
 Ажал келса кетарсан тавбасиз дөв! (165-б.)

Сўфи Оллоёр тавба қилиш ҳакида "Сабот ул-ожизин"нинг бир неча ўринларида тўхталган. Бу эслатмалар тобора қатъийлашиб бориши билан инсон онгига кучли руҳий таъсири кўрсатади. Масалан, қуйидаги сатрларда юқорида келтирилганлардан фарқли энди гафлатдан уйғониш, дарҳол тавба қилиб Ҳақ, йўлига кириш тадаб қилинади:

Киши то шар<sup>65</sup> қилур, савдоси тошар  
 Наъзуу биллаҳ улки ҳаддан ошар.  
 Башар бўлсанг, қўй афъоли ба шарни  
 Абас<sup>66</sup> ўткармагил исно ашарни<sup>67</sup>.  
 Кийиссан ҳалқ аро факрони малбус<sup>68</sup>,  
 Ва лекин ботининг бе нангуномус.  
 Ёшининг етган сари феълининг сани ёш,  
 Кўзинг ёши қани, эй мағзи йўқ бош!

Қуръони каримда айтилади: «У бандаларидан тавба-тазаррӯй қабул қиласиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиласиган ишларингизни биладиган Зотdir. У иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларнинг (дуоларини) ижобат қилур ва уларга ўз фазлу карамини зиёда қилур. Кофирлар учун эса қаттиқ азоб

<sup>64</sup> ҳаво-кибр

<sup>65</sup> шар-зулм, гуноҳ

<sup>66</sup> абас-бекорга

<sup>67</sup> исна ашар-ўн икки ой

<sup>68</sup> малбус-либос

бордир (Шўро сураси, 25-27-оятлар, Алоуддин Мансур таржимаси)». Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча гуноҳларни кечирувчи, ғаффору раҳмону раҳимдир. Расулulloҳ (сав)нинг шундай ҳадиси бор: «Бир банда гуноҳ қилиб қўйиб: «Ё Парвардигоро, мен гуноҳ қилиб қўйдим, мени кечиргил!» – деди. Парвардигор: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эканлигини билдири. Бандамнинг гуноҳидан ўтдим!» – деди. Кейин ўша банда Оллоҳ таоло истаганча муддат яшагач, яна гуноҳ қилиб қўйиб: «Ё Парвардигоро, яна гуноҳ қилиб қўйдим, кечиргил!» – деди. Парвардигор: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эканлигини билдири. Бандамнинг гуноҳидан ўтдим!» – деди. Банда Оллоҳ таоло истаганча муддат яшагач, яна гуноҳ қилиб: «Ё Парвардигоро, яна гуноҳ қилиб қўйдим, кечиргил!» – деди. Парвардигор: «Бандам гуноҳларини кечиргувчи ва гуноҳлари учун жазоловчи парвардигори бор эканлигини билдири. Бандамни учинчи марта ҳам гуноҳидан ўтдим!» – деди. Кейин банда гуноҳи учун Оллоҳ таолодан астойдил тавба қилиб кечирим сўрайди (ЖС.4/394)». Сўфи Оллоёр Оллоҳ таолонинг ҳамиша банда тавбасини кутишини таъкидлаб замондошларига умид бағишлашга интилади:

**Сани ҳалқ айлаган Султони ғолиб,  
Ҳамиша бандасидан тавба толиб.  
Эгамни магфират дарёсидан ғафлат оғуши.  
Ажабдур бандасидан ғафлат оғуши.  
Ётурсан тобакай? Эмди ўенғил!  
Дили жонинг била Ҳазратга ёнғил!  
Неким қилмишларингдин тавба қилғил,  
Бошингни юқори қилма, йиқилғил!  
Эрур бошдии аёғинг барчаси айб  
Магар авф айлагай донаандай ғайб.** (167-6.)

Сўфи Оллоёр ўз асарларида ижтимоий муҳит, инсон вужуди ва руҳидаги иллатларни танқид қилас экан, одамларнинг иззат-нафсиға тегмаслик ва ўзгалар кўзига такаббур бўлиб кўринмаслик учун маломат услубидан усталик билан фойдаланган. Бу услугуб шоир томонидан “ожизлик баёни” остида берилиб, унинг кўнглидаги барча дара-алам, жамиятдошларидан кина – кудрат,

газаб ва нафратини тўкиб солишига имконият яратган. Унинг ҳар бир "ажз"и маълум боблардаги тарбиявий тезисни хуласалаб боради ва уларда андиша билан баён этилган панд-насиҳат "ажз"да кескин огохлантиришлар тусини олади:

Ўтар дунёда Оллоёр маъюб,  
 Мунингдек юрганингдин ўлғонинг хўб.  
 Ёмон нафсинг сани ўтдек тутошли,  
 Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошти.  
 Била олмам, аё ноқобил авқот,  
 Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот,  
 Баҳойимсан, башар, девонасан, соғ?!  
 Гуноҳинг олдида арзанча йўқ, тоя.  
 Муханинсанму эр, болуғмисан, ёш?  
 Юзинг қаттиқ, тилинг аччиғ, дилинг тош!  
 Фиолинг номуборак, талъатинг шум,  
 Ҳумойи бахтинг, ўз қаъбинг била бум.  
 Наким аҳдики қилдинг, бўлди ёлғон,  
 Қани сандек гуноҳ остида қолғон?  
 Йироқ тушдинг нуғу қурбатли йўлдин  
 Йибординг риштаи тоатни қўлдин.  
 Наким қилдинг жаҳонда эртаю кеч,  
 Риё бирла ул ишни айладинг деч!  
 Белингни боила маҳкам, бўлма мафлуж!  
 Кўзинг оч! Карвоне қилдилар кўч!  
 Ётиб гафлат қаросин сурма юзга,  
 Еди ҳалқ, ўз ғамини сандин ўзга!  
 Мусоҳиблар ки ҳамаҳд эрди мунда  
 Кетарлар боқий уйга кунда-кунда.  
 Кўзинг олдидағи бегонаву хеш  
 Сафар раҳтини боғларлар пасу пеш.<sup>69</sup>  
 Вале сан ҳамри гафлатдин бўлиб кайф  
 Ётарсан неча расволиг била ҳайф.  
 Улуғлардин, кичиклардин ба як бор  
 Кетарлар хонаи мақсадуга почор.  
 Агар сандин кичиклар тутсалар роҳ  
 Ётурмисан ҳануз, эй, ақли кутоҳ! (134-137-6.)

<sup>69</sup> Кетма-кет дунёдан ўтмоқдалар

Сўфи Оллоёр бутун жамиятни маънавий янгиланиш йўлида бирлашишга чақиради. Бу йўл, яъни тариқат ҳар бир кишини маънан поклайдиган, Расулulloҳ хулқини ўргатадиган, Аллоҳни танитадиган сулук бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолога энг манзур ва ёқадиган йўл эканлигини тарғиб этади. Унинг назарида, бу Расулulloҳ суннатларидан четлащмасликнинг ягона йўлидир. Мұхаммад алайҳиссалом Оллоҳ таоло ҳузурида мусулмон аҳдини ҳимоя этгувчи энг улур даражали Зот бўлиб, фақат унга әргашибина жамият ўзини муқаррар ҳалокатдан кутқариб қолиши мумкин. Чунки,

**Мұхаммадким, эрур Ҳақнинг ҳабиби,  
Маосий дардининг ҳозиқ табиби.  
Белин ҳиммат қуриға боғлаб ул эр,  
Ҳама нафсин деса ул умматим дер.(125-б.)**

Сўфи Оллоёр ҳалқнинг қон-қонига сингиб кетган Пайғамбар шафоатидан умидворлик ҳисларини жунбушга келтиришга ҳаракат қилғанлиги кўринади. Унинг юқоридаги сатрлари замирида қўйидаги мантиқий чақириқ мавжудлигини ҳис этамиз:

**Киши билмас қиёмат даштида, оҳ!  
Бу қулларни дегайму уммат, ул шоҳ?  
Агар уммат деса хушдавлату баҳт  
Йўқ, эрса осийларға иш бўлур саҳт. (126-б.)**

Пайғамбар шафоати тарихи ҳақида Имом Бухорий Анас ибн Молиқдан шундай ривоят келтиради: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таоло қиёмат куни жамики инсонларни тўплагач, улар: «Бизни бу маконимиздан ҳолос қилиб ўзга яхшироқ жой ато этмоғи учун раббимиздан шафоат<sup>70</sup> тилайлик!» -дерлар. Сўнг Одам алайҳиссаломнинг қошлирага бориб: «Оллоҳ таоло сизни ўз кўли билан яратиб, ўз руҳидан жон ато этган. Сизга фаришталарнинг сажда қилмоқларини амр қилган. Раббимиздан бизга шафоат тилаб берингиз!» - деб айттайлар. Одам алайҳиссалом қилган гуноҳларини эслаб, уларга: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуққа эга эмасман» -деб гапирграй-да; «Нуҳнинг ҳузурларига борингизлар. Ул киши Оллоҳ таоло

---

<sup>70</sup> шафоат-ҳомийлик

юборган биринчи пайғамбар бўладилар!»-дегай. Улар Нухнинг қошига боргайлар. Ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуққа эга эмасман»-деб қилган гуноҳлари ҳақида эслагайларда: «Иброҳимнинг қошлирига боринглар Оллоҳ таоло у кишини халилим-дўстим деб атаган»-дегай. Улар Иброҳимнинг ҳузурига борганинида ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуққа эга эмасман»-деб, қилган гуноҳларини эслайди-да: «Мусонинг ҳузурига боринглар, ул киши бирлан Оллоҳ таоло сўзлашгандир»-дегай. Улар Мусонинг ҳузурига боргайлар. Ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуққа эга эмасман»-деб, қилган гуноҳларини эслагай. Сўнг: «Исонинг қошига боринглар»-дегай. Шунда улар Исонинг ҳузурига боргайлар. Ул киши ҳам: «Мен сизлар ўйлаганчалик ҳуқуққа эга эмасман»-деб қилган гуноҳларини эслагай-да, «Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошлирига боринглар чунки Оллоҳ таоло ул зотнинг собиқ ва келгуси гуноҳларини мағфират қилган»-дегай. Шундан сўнг улар менинг ҳузуримга келгайдирлар. Мен Раббимдан изн сўрагайдирман. Раббимни кўргач, унга сажда қилгайдирман. Раббим мени ўзи хоҳлаганча саждада қолдиргайдир. Сўнг менга: «Бошингни кўтаргил. Сўрагил, сўраганинг берилгайдир. Сўзлагил, сўзингга қулоқ солингайдир. Шафоат тилагил, шафоат қилингайдир»-дейилгайдир. Шунда мен бошимни кўтариб раббимни ўзи менга ўргатган ҳамдларини айтиб олқишлигайдирман. Шундан кейин шафоат тилагайдирман. Оллоҳ таоло менга муайян қавмларга шафоат қилмоқ ҳуқуқини бергайдир (ЖС, 4/231)».

Сўфи Оллоёр умумий покланишга киришишга халақит берувчи инсон табиатига хос бўлган айрим руҳий ҳолатлар, жумладан, орланиб илм ўрганмаслик, жамоада туттган мавқе ва мақоми залворидан амри маъруф, нахий мункар, панд-насиҳатларга қулоқ тутмаслик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун жуда кескин даражадаги огоҳлантириш усулларини қўллайди. Жумладан, қўйидаги сатрларда ё Оллоҳ маърифатини ўрганиш ёки дўзах ўтини танлаш лозимлиги ва бундан бошқа йўл йўқлиги таъкидланган:

**Уялма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин! (63)**

Ҳақни таниш нима? Сўфи Оллоёр бунинг шарҳига ҳам маҳсус

тўхталиб ўтган. Масалан, у ёзади:

Недур қуллиқ! Ани муштоқи бўлмоқ.  
Ўзидин фоний, Ҳаққа боқий бўлмоқ!  
Тонимоқ Тангрини тонмоқ, ҳаводин,  
Кейин турмоқ, фиоли нораводин.  
Бўйин сўнмоқ, эгилмоқ, қул демишда,  
Қазога рози бўлмоқ, барча ишда.  
Умид этмак ўшал қудратли шоҳдин,  
Ёнардин хавф этиб ёнмоқ, гуноҳдин! (62-б)

Оллоҳни танимоқ - Унга бандалик қилиб, айтганларини  
бажармоқ, нафси жиловламоқ, қазога рози бўлиб дўзаҳдан паноҳ,  
тиламоқдир. Яна бир ўринда Имон шарҳи орқали Ҳақни танитади:

Худодин ҳар не келди, рост билғил,  
Тилинг бирла яна иқрор қилғил.  
Мусулмонлиғ йўлида булдуру Иймон,  
Муни билмас киши Тонгла<sup>71</sup> пушаймон.  
Яқин билгилки, иймон бўлмагай кам,  
Эрур бирдек, зиёда бўлмагай ҳам. (74-б.)

Асли, имон инсонда азалдан мавжуд. Имон ислом демакдир,  
Солик эзгу феъл-автори билан ўзининг имонли мусулмон  
эквалигини исботлаши зарур:

Яна иймонда айди аҳди таҳқик,  
Худодиндури ҳидоят<sup>72</sup> бирла тавфиқ.<sup>73</sup>  
Худонинг феъли ул маҳлук<sup>74</sup> эмасдур,  
Киши ҳаргез ани маҳлук демасдур.  
Дедилар маърифат бирла ва иқрор,  
Ўшалким бандасининг феълида бор.  
Нечукким бандани ҳалқ этди Мавли  
Тақи маҳлук эрур феъли ва қавли.<sup>75</sup>

<sup>71</sup> тоиг- қиёмат куни

<sup>72</sup> ҳидоят- тўғри йўл

<sup>73</sup> тавфиқ- ёрдам

<sup>74</sup> маҳлук- яратилган

**Эрүр бир маънида иймону ислом  
Буни билса керак ҳар хосу ҳар ом. (79-б.)**

Инсон хулқи ва фикри яратилгандир, яъни инсоннинг ўз ихтиёри билан шакланади. Маълумки, жамият мафкураси ва муҳит инсон онгини шакллантирувчи асосий омиллардандир. Шунга биноан иймон ва эътиқод нури кўпайиши ёки сустлашиши мумкин. Демак имон унинг хулқи ва сўзида намоён бўлади. Хулқ, ва сўз эса инсоннинг туриш-турмуши ва қилаётган иш-амаларида шакланади. Эзгу амал инсонни камолотга олиб чиқадиган воситадир. Комил инсонгина Аллоҳ севгисига мусассар бўлади:

**Амалии<sup>76</sup> нафъий<sup>77</sup> ҳам иймон биландир,  
Қачон ёлғуз амал қилғон билавдир?  
Наъзуу биллоҳ, иймонсиз кишини  
Қабул этмас худойим ҳеч ишини.  
Агарчи яхшилар аъмолин этса,  
Тасаддуқ ер юзини молин этса,  
Риёзат<sup>78</sup> бирла бўлса эртаю кеч,  
Ўшалким сидқи йўқдур, қилгани ҳеч. (76)**

Имон ва амал инсоннинг икки дунёсини обод қилгувчи, дўзах азобидан қутқазгувчи ягона нажот йўлидир! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам имонни бир дараҳтга ўҳшатиб, унинг 60 дан ортиқ шохи борлигини айтиб ўтганлар. Унинг томири дил тасдиги, шохи эса тил иқроридир. Иқрор - хатти-ҳаракат, амалда кўринади:

**Кўнгил тасдиги решадур<sup>79</sup>, Амал- шоҳ,  
Улуғи Тавбадур, синдирма густоҳ !  
Синуқ шоҳ зарби бўйла заҳм олиб Асл,  
Мабодо қолмағай хушк, охири фасл.  
Жарима<sup>80</sup> чирки бирла зоҳиринг сир,<sup>81</sup>  
Бўлубсан кир, надам<sup>82</sup> дарёсига кир! (169-б.)**

<sup>75</sup> феъл ва қавл — амал (хулқ) ва сўз

<sup>76</sup> амал(аъмол) — иш (ишлар)

<sup>77</sup> нафъ -фойда

<sup>78</sup> риёзат - кийинчиллик, ибодат

<sup>79</sup> решадур -томир

"Сабот ул-ожизин" гүё күчланиб борувчи тебранишларга әгадек ундағи даъват борган сари кескинлашиб бораверади. Жұмладан, Ҳақ ва Имон тушунчаларидан сүңг Тавба мөһияти ҳақида сүз юритилади. Олдин мазкур бўлган ўринларда тавба ҳақидаги аввал босиқлик, сўнгра сал қизиққонлик билан айтилган гаплар қуидаги сатрларда кескин янграган дейиш мумкин:

Надур тавба! Демак, ёимоқ гуноҳдии,  
Тузук йўлға юрумак ўзга роҳдин!  
Худо даргоҳида чун айладинг аҳд,  
Ани синдумрагил нафс айласа жаҳд!  
Агар тавба демак чиқти тилингдин,  
На суд, ул бўлмаса жону дилингдин?  
Дилу жон бирла қилғонни нишони,  
Яна қилмаса товба қилғон они.  
Агар чин ёнасан, тормош бу ёна!  
Таҳи по<sup>83</sup> ёнадур! Тойрилма ёна!  
Надам нурин кўнгилдин қилма ғойиб  
Агар тойиб<sup>84</sup> эрурсан, кетма тойиб! (168-169-6.)

Гуноҳлар, бидъатлар тузогидан қутулиш учун биргина хоҳишининг ўзи кифоя қилмайди. Бу йўлда раҳбарсиз тўри йўлга чиқиб олиш мушкул. Сўфи Оллоёр Пир таълимоти хусусида жиiddий тўхталган. Ўша давр муҳити ҳақида тасаввуримиз орта борган сари улуғ мутафаккирнинг миллатпарвар, комил эътиқодли, ва энг асосийси, жамиятдаги маънавий инқироз сабабларини тўла-тўқис англаб етган, унга қарши курашга бел боғлаган пир-муршидлар атрофида ҳалкни ўюптиришга бўлган ҳаракатидан мақсади ҳамда қаззоб, тилёғлама "пир" ва "валий"ларнинг тузогига илинган содда ҳалқ маънавияти билан борлиқ дард-аламлари янада равшанлаша бошлиди:

Олийхиммат йигитларга керак пир,  
Камонисиз учмагай кўп бўлса ҳам тир<sup>85</sup>.  
Ўшал чандики ҳарб олатин<sup>86</sup>осар,

<sup>80</sup> жарима - айб

<sup>81</sup> сер - тўқ, тўйинган

<sup>82</sup> надам - пушаймонлиғ, покланишга ҳаракат маъносида

<sup>83</sup> таҳи по-оёқ ости. Бу ерда жаҳаннам узра турганига ишора.

<sup>84</sup> тойиб - тавба қилувчи

Агар бо сар<sup>87</sup> юруса ёвни босар.  
Софалтур<sup>88</sup> телбани пири забардаст,  
Куюннинг шўришин дарё қилур паст. (157-б.)

Раҳбар воситасида солик мағкураси тозаланади, касал рух даволанади, вужуд покланади. Раҳбар-исёнкор қуюнни пасайтириб қўйгувчи дарё! Ўқни мақсадга мўлжаллаб йўналтирадиган камондир! Пир таълимидан бош тортиш шоҳ қўлидан қочиб, қушларга эрмак бўлган лочинга ўхшатилади:

Тушуб шоҳ илкина бозий<sup>89</sup> қочар боз,  
Бўлур зогларга бози<sup>90</sup>, эй сарафroz!  
Бу таърифларга содиқ бўлса пилинг,  
Ва лекин бўлмаса равшан замиринг,  
Эрур нуқсон ўзингдин! Кўрма андин,  
Бўлур саъӣ, албатта пирман дегандин.  
Пицинг фармонидин қилсанг тахаллуф,  
Таассуфдир, таассуфдур, таассуф! (158-б.)

Сўфи Оллоёр пир танлашда жуда эҳтиёт бўлишга чақиради. Мана шу ерда биз Сўфи Оллоёрнинг жамиятнинг бузилишида сокта, риёкор пирлар сабабчи деб қисоблаганига амин бўламиз:

Ажаб йўлдур тамоми меҳнату ранж,  
Ва лекин ҳар қаришда бир ниҳон ганж.  
Ўшал ганжи ниҳон ётган заминда,  
Муҳайёдур қароқчилар каминда<sup>91</sup>.

Шунинг учун халқни покланишга даъват этар экан, ҳақиқий пирларга эргашишга чақиради. Уларни таниш йўлларини ўргатади:

<sup>85</sup> тир-ўқ

<sup>86</sup> ҳарб олати-уруш қуроли

<sup>87</sup> бо сар-бошлиқ, раҳбар билан маъносида

<sup>88</sup> соғалтур-соғайтирур

<sup>89</sup> бозий-лочин

<sup>90</sup> бози-ўйин, эрмак

<sup>91</sup> камин-пистирма

Агар бўлмаса йўл бошлагувчи пир,  
 Солур бўйнунга шайтон доми тазвир<sup>92</sup>.  
 Агар бўлмаса бир соҳибкаромат  
 Эмас мумкин киши еттай саломат. (150-б.)

Пир аталмиш соҳибкаромат валий шариат ишидан четга чиқмаса, таъмагир ва такаббур бўлмаса, хоксор бўлса - унга қўл бер! Ўшандагина манзилга саломат етасан:

Ўшал пирики эрнинг эри бўлгай  
 Тариқат бешасининг шери бўлгай.  
 Тахаллуф қилмаса ҳеч шаръ<sup>93</sup> ишидин  
 Тамаълик бўлмаса ҳаргиз кишидин.  
 Агарчи бўлмаса форир ишидин  
 Ўзин кам тутса ҳар мўъмин кишидин.  
 Эшитмаса киши ҳеч ман деганин,  
 Ўзи ҳам билмаса фоний эканин. (151-б.)

Билиб қўйки, ўзини Валийман деган, Ҳақиқатга эришганман деган валий фирибгардир ва унга эргашиш залолатдир:

Ўзи айтса "фано бўлдим", эмасдур,  
 Фано бўлган киши ҳаргиз демасдур.  
 Агар рўй берса ҳам баъзи макошиф,  
 Ишонмасдур анга ҳеч марди ориф.  
 Агар кўрган билан ўздин кетибдур,  
 Етибсан деб анга шайтон етибдур (152-б.)  
 Ўзини айғон киши албаттадур хом,  
 Валоят<sup>94</sup> таҳтига босган эмас гом<sup>95</sup>. (153-б.)

Набий табиятли пир сенга шундай муҳаббат шаробини ичиралини, ундан сен Ҳақ субҳонаҳу ва таолога яқинлашасан. У шундай шаробки, ҳар бир дил уни ичгач, хушёр тортади. Қалби фақат Илоҳ васлиига интилади. Бутун вужуди Ҳақ сари талпинади:

<sup>92</sup> тазвир - ҳийла

<sup>93</sup> шаръ - шариат

<sup>94</sup> валоят — валийлик, авлиёлик

<sup>95</sup> гом - қадам

Кел, эй соқий, икковлон айлали шурб  
Үшул шурбики халқ, ондин топар қурб.  
Шаробе ҳарки дил ондин бўлур саҳв  
Қилур бир муддаидин ўзгани маҳв. (158-б.)

"Сабот ул-ожизин", кўринишидан, ақида масалаларига бағишланган мустақил шеърлар тўпламидек туюлса-да, назаримизда китоб мағзини ташкил этган ҳакиқатни кенгроқ маънода тушуниш лозимга ўхшайди. Агар "Сабот ул-ожизин" ўтқир воиз томонидан шарҳланса, тингловчи ваъзниг оддийдан мураккаб масалаларга томон тадрижий юксалаётганини, ақидавий масалалар суфиёна дунёқарашиб билан омихталашиб бораётганини аниқ ҳис этади. Тингловчи Оллоҳ борлигини ақдан, илман бутун вужуди билан англаб бора бошлайди. Сабаби, ҳар бир шеър реал тарихий шароитдаги воқеликни ислом маънавий негизлари-Куръони карим ва ҳадислар асосида кўриб чиқиш ва баҳолаш имконини берадиган, инсон руҳиятига ниҳоятда мослаштирилган тадрижийликка асосланган кетма-кетлиқда жойлаштирилган. Ҳар бир шеър-бир тўлқин. Дам бирлашиб кучаяди, дам ажралиб сусаяди. Маълум бир нуқтада барчаси қўшилиб, құдратли ҳайқириқ билан кўкка кўтарилади.

"Сабот ул-ожизин"да имон, тавба, лир тушунчалари обдон тушунтирилгач, муҳаббат мавзусига қадам кўйилади, яъни биринчи қисмда маълум руҳий босқичлардан ўтилгач, Сўфи Оллоёр таълимотининг мағзи, асл мақсади бўлган асосий қисмга ўтилади. Тўлқинларнинг бирлашишини шу қисмда аниқ, кўриш мумкин.

Набий алайҳиссалом Оллоҳ таолони таърифлаб шундай деган эканлар: «Оллоҳ, таоло: Агар бандам мен томон бир қарич яқин келса, мен ул томонга бир газ яқин боргайман. Агар ул менга бир газ яқин келса, мен унга бир қулоч яқин боргайман. Агар ул мен томон юриб келса, мен ул томон чопиб боргайман!» -деган». Абу Ҳурайра ривоят қиласи: «Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Оллоҳ таборак ва таоло бирор бандасини севиб қолса: «Оллоҳ фалончини севиб қолади, ул ҳам уни севиб қолган», -деб нидо қилгай. Шунда Жаброил ҳам Оллоҳ севиб қолган бандани севиб қолгай-да, осмон аҳлига: «Оллоҳ таоло фалончини севиб қолди, ул ҳам уни севиб қолган» деб нидо қилгай. Осмон аҳли ҳам ўшал бандани севиб қолгай. Шундан сўнг ул банда ер аҳли учун севимли бўлгай» (ЖС.4/490). Сўфи Оллоёр инсон Оллоҳ севгисига харидор бўлиши ва унга сазовор

бўлиш учун қандай амалларни бажариш кераклигини кўрсатади:

**Кел, эй соқий, муҳаббат жомидин май  
Харидор илкина бергил паё пай.  
Харидор ул эрур жуз нияти фард,  
Қўнгил куйлагина юқтирмағай гард.  
Қаю ҳолатда бўлса эртаю кеч,  
Хилофи ҳукми маҳбуб этмагай ҳеч.  
Бу йўлни барчасин тай қилион эрлар  
Ризо бермак мақом аълоси дерлар.  
Кишиким розилик номинда бўлса  
Килур шукр аждаҳо коминда бўлса.(160-б.)**

Буюк суфийнинг илоҳий ишқ туркумидаги барча шеърлари замирида «Маърифат хазинасининг қалити - Муҳаббат» деган тезис ётади. Муҳаббатнинг цировард кўриниши Ризодур! Розилик - Ҳақиқат йўлида солик ўтказиши керак бўлган ранж, заҳмат, меҳнат-машаққатларни бўйинга олиш, Ҳақ субҳонаху ва таоло инсон аталмиш хилқатга бу имтиҳон дунёсида рўбарў қилиб қўйган юзлаб азоб-уқубатларга мардонавор чидаш ва ниҳоят Илоҳий маҳбуб севгисига мушарраф бўлиш учун унинг шартларини мукаммал адо этишга тайёр бўлиш учундир. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Мўмин одам бало-қазоларга тоқат этмоқлиқда сабза гиёҳга ўҳшайдир. Чунким, мўмин ҳар тарафдан шамол эсганда эгилиб, сўнг яна қаддини тиклаб олгувчи сабза гиёҳ янглиғ бало-қазоларга чидаш, енгилмагайдир. Коғир одам эса мўрт арз (кедр) дарахти кабидур. Оллоҳ таоло уни истаса бирданига синдира олур! (ЖС,4/485)». Ҳақ ишқининг харидори бўлиш қийин. Юзланган балолардан чекинган ошиқнинг Маҳбуб висолига даъво қилишга ҳақи борми?!

Сўфи Оллоёр муҳит маънавиятини ижобий томонга ўзгартиришда сухбатларга катта эътибор беради. Унингча, сухбат асосий тарғибот воситасидир. Зоро,

**Олур сұхбатда бир-биридин киши баҳр  
Агар кўп чашма бир бўлса ўлур наҳр. (189-б.)**

Тўғри йўлни топиш истагида бўлганларни ана шу сұхбатларга

чақиради:

Кел, эй толиб, күзунг ибрат била оч,  
Мұхаббатсиз кишидан қүш бўлиб қоч.  
**Мұхаббат аҳлининг жўёни<sup>96</sup> бўлғил  
Ўшалким учради қурбони бўлғил.** (188-б.)

Баъзиларнинг маърифат етишмаслиги сабабидан ўзини нокулай, ўнғайсиз сезишни ҳисобга олиб, уларнинг бошқа ёт даврага кетиб қолишининг олдини олишга ҳаракат қиласди:

**Агар чаңдикি ноқобиллигинг бор,  
Некулар<sup>97</sup> жамъидин айрилма зинҳор.  
Ўзин қылса қаю мис нукрага зам<sup>98</sup>,  
Кўяр мис отини халқ ўрли дирҳам.** (189)

Яъни, нукрага қўшилган озгина мис ҳам бирдай нукра дирҳам деб аталишини билмайсанми? Эзгуларга қўшилгинки, эзгуга айлангайсан, - таъкидлайди у. Шу аснода баъзи такаббурлар тоифасига ҳам руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб, уларни огоҳлантиради:

**Жамоатдин ўзингни қилма мумтоз,  
Чопар кўп тўпдин айрилғон қуша боз.** (190-б.)

Жамоат Худонинг раҳматидир ва агар бу раҳматдан бебахра қолсанг хор бўлғайсан:

**Худонинг раҳмати бўлса жамоат  
Эрур раҳматдин айрилган шаноат<sup>99</sup>.** (190)-

Дея бутун аҳолини бир мақсад - комиллар жамиятини яратиш тояси атрофида бирлашишга чақиради. Буни Сўфи Оллоёр бидъят таълимотларни аҳоли онгидан чиқариб ташлашнинг ягона йўли деб билади. У тарғибот ишларида бирор киши ҳам назардан тушиб қолмаслигига ҳаракат қиласди:

<sup>96</sup> жуён - изловчи

<sup>97</sup> некулар - яхшилар

<sup>98</sup> зам - қўцмоқ

<sup>99</sup> шаноат - нафратга лойик

Кишини кўнгликим бегона бўлса,  
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.  
Мұхаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,  
Агар фарзанди шириндур эрур ёт.  
Мұхаббат бўлмаса ҳар кимда, эй хайр,  
Отанг бўлса эрур бегонаю гайр.  
Ақориб<sup>100</sup> юрмаса кўнгли оқариб,  
Қўлунгдин келса ҳеч ўлтурма бориб.  
Агар бегонаенинг доги бўлса,  
Анга сарф эт кўзунгниңг ёғи бўлса.  
Жигарбандинг юрагинг гўшасидур.  
Анинг меҳри қиёмат тўшасидур.  
Анингдек ёр ила чун айладинг аҳд,  
Ичурса заҳр, ани билмак керак шаҳд. (187)

Барча ягона эътиқодли, мафкурали ва бир тан-бир жон бўлиши лозим. Ахир, тирноқ устига тушган оқ айб саналмайдими? Бутун бир ҳалқ бизнинг сафларимизга қўшилиб турганда сенинг чеккада туришингни қандоқ тушунмоқ керак? Суҳбатга қўшил, унинг самарасини албатта кўражаксан:

Қилур сұхбат асар, эй толиби роҳ!  
Мунингдек жорий ўлди одатуллоҳ.  
Наким туз конига тушса бўлур туз,  
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз. (189-б)

Сўфи Оллоёр толибни Улуг йўлга киргани билан муборакбод этар экан, энди ишга жиддийроқ киришиш, биринчи навбатда, "тажарруд давлати"ни эгаллашга шошилтиради:

Кел, эй солик, ўзунгни йўлга солдинг,  
Улув ҳиммат асосин қўлга олдинг.  
Агар қолмай десанг кирган йўлингдин  
Тажарруд давлатин берма қўлингдин. (192-б.)

«Тажарруд» луғатда «ёлғизланиш, танҳолик, гўшанишинлик» маъноларини англатади. Тасаввуфда дунё ҳою ҳавасларидан кўнгил узмоқни ифодалайди. "Сабот ул-ожизин"да тажарруд жамиятдаги реал воқелик-бидъат таълимотлар фаолиятида бўртиб

<sup>100</sup> ақориб-қариндош, яқинлар

күринган иллат - фаҳш ва нафсга қарши қўйилади. Жумладан, Сўфи Оллоёр уйланмасликни эмас, балки оқила, диёнатли қизларга уйланишини тарғиб этади:

Ибодат бандани манзури<sup>101</sup> бўлса,  
Беҳ ул эрни уйида ҳури бўлса.  
Диёнат истагудекни талаб қил,  
Агар топилмаса кунжиди хаб қил.  
Тилининг авзани<sup>102</sup> шарму ҳаёси,  
Юзининг оқидур-эрнинг ризоси. (193-б.)

Шунингдек, Сўфи Оллоёр номаҳрам қиз-жувонларга кўз ташлаш ёки аксинча аёлларнинг бегона эркакларга боқиши жамиятни тубанликка тортувчи иллатлардир, дея ўша давр бидъат оқимлари мафкураси заҳарлаган муҳитни танқид қиласди:

Кел, эй мўъмин, агар тарсанда бўлсанг,  
Кўзингни сақлагил ҳар қайди бўлсанг.  
Назар қилғунча бад, эй нафси маъюб!  
Тушуб кўз нуқтаси, кўр бўлғани хўб! (194-б.)

Ҳақ субҳонаҳу ва таолога яқинлик топиш комилликни талаб қиласди. Комиллик эса покликни. Суннатта амал, Оллоҳга таваккал қилиш билангина покланиш мумкин.

Кел, эй сўфий, умид этсанг сафодии<sup>103</sup>  
Қариш чиқма тариқи Мустафодин.  
Амал қил, иттико қилмай<sup>104</sup> амалга<sup>105</sup>.  
Таваккул айлагил Азза ва жалла<sup>106</sup>. (205)

Қўлсиз киши сувда суза олиши мумкинми? Оёғсиз киши юра оладими? Хайрли амалларда ўзининг сўфийлигини кўрсатмаган одамнинг Ҳақ васлига эришдим, муҳаббатини қозондим, деган сафсатасига ишониб бўладими? Сўфи Оллоёр шу ерда сохта

<sup>101</sup> манзур-мақсад

<sup>102</sup> сафо - поклик

<sup>103</sup> иттико қилмай - суюниб қолмай

<sup>104</sup> Бу ерда ўз ишларидан кибрланмаслик таъкидланмоқда

<sup>105</sup> яъни Оллоҳга

авлиёларни ҳам танқид қилиб үтади:

Амал қилмай сафо бўлмас кўнгилда.  
Оёғсиз ҳеч киши юрмади йўлда.  
Қачон қўлсиз киши бўлгай шиновар<sup>106</sup>,  
Шиноварман деса, ҳеч қилма бовар.  
Солибдур аҳли суннат роҳи ома,  
Бу йўлдин чиқмагил ўзга мақома.(206)

Аҳли суннат сени "авом йўли"га бошқариб қўйди,-дейди Сўфи. Бу қандай йўл? Бу - эътиқода, хулқда, аъмолда, тафаккурда, муҳаббатда аҳли суннат ва жамоат мазҳабида бўлишидир. Тожиддин Ёлчиғул ўғли юқоридаги байт шарҳида шундай келтиради: "яъни тариқатга сулук айласанг тариқи эътидолга сулук айла. Тариқи Эътидол улдуруки, суннат йўлинда юргувчи кимсалар авом ун-носқа йўл солдилар ва кўргаздилар. Ул йўлдин ўзга йўлға чиқмагил" (137-бет). Бироқ, Сўфи Оллоёр ҳеч бир асарида ўзи тариқатини бу тахлитда номламаган.

Шу билан бирга, у ўзини нақшбандия силсиласини давом эттирувчилардан ҳисобламаган. Унингча, факат бир тариқат мавжуд ва барча шу йўлда бирлашиши керак. Бу - Расулуллоҳ йўлидир.

Кузатувлар асосида шундай хуносага келиш мумкинки, ўша вақтларда худди арабларнинг футухотлари даврида ажам халқларининг маънавий-руҳий дунёқарашида кўринган саросималикка ўхшаш ҳолат юз берган. Тарихдан маълумки, ажам халқларининг исломий эътиқодини кучайтиришда Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олган раъи билан иш кўриши муҳим ўрин тутган. Сўфи Оллоёр ҳам Абу Ҳанифадан ўн аср кейин унинг йўлини тақрорлайди. Бир сўз билан айтганда, халқни асл ўзан – ислом асосларига қайташида суфия тариқатларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини ҳисобга олиб иш кўради. Натижада калом ва тасаввуфнинг қоришиқ, шаклига эга замонабоп ва, шу билан бирга, асл исломий ақидага асосланган таълимот яратилади. Ушбу таълимот кейинчалик «Тариқи эътидол», яъни «Ўртacha йўл тариқати» номи билан машҳур бўлиб кетган кўринади.

---

<sup>106</sup> шиновар - сузувчи

Сүфи Оллоёр «Жамият-бир тариқат ва ҳар бир киши-суфийдир» деган ғояни илгари сурган. Комилликка элтувчи ягона йўл-Расулуллоҳ буюрган эзгу амаллар, одамийликнинг олий фазилатларини касб этиш"дан иборат эди. Ушбу таълимот бугунги кунда «юксак суннатлар», яъни "суннати сания тариқати" таълимоти асосини ташкил этади. Шу ерда нақшбандия тариқати моҳиятнан тариқати суннати сания эди-ку, нега муаллиф уни нақшбандиянинг бевосита такомили сифатида кўрсатмоқчи эмас, деган савол туғилиши мумкин. Аввало шуни айтиш керакки, XV асрдан кейинги давларда нақшбандиянинг илк ғоявий тамойиллари анча бузилган эди. Иккинчидан, нақшбандия пирлари-валиуллоҳларнинг ҳақ кароматлари, уларнинг валитарошлиқ тарбиясини тарғиб қилиш Сўфи Оллоёренинг сохта авлиёлар ва уларнинг кирдикорларини фош этищдаги ғояларига мос келмас эди. Ҳинд ва Тибет йогларидан ўзлаштирилган хорик ул-одат ҳаракатлар намойиши валилик кароматлари никоби остида кенг тарғиб этилаётган бир пайтда нақшбандия пирларининг валийликка оид қарашларини тарғиб этиш, моҳиятни билмаслик оқибатида, сохта авлиёларни ҳақ деб билишга олиб келиши турган гап эди. Зеро, олдинги пирлар ҳақида битилган турли manoқибларда, кўп ўринларда, пирнинг ўз тилидан файритабий ҳолатлари, кароматлари ҳақидаги эътирофлари муболагавий тарзда баён этиб юборилган ва бу шароитда Сўфи Оллоёренинг

**Ўзин айғон киши, албаттадур, ҳом,  
Валоят таҳтига босгаң эмас гом<sup>107</sup>.  
Агарчи ҳар кеча кўк бўлса тавфи<sup>108</sup>,  
Бурунгидан зиёда бўлса хавфи.  
Кўтармас ул валоятлик хирадманд,  
Садо чиқмас унидин боғласа қанд.  
Демас ҳар кимга асрори ҳақойик,  
Агар топилса ганж, ихфоси<sup>109</sup> лойик.-**

қаби ваъзлари ўтган барча азиз авлиёларга ҳурматсизлик маъносида тушунилиши ва унинг ҳаракатларини чиппакка чиқариши мумкин эди. Шунинг учун унинг таълимоти нақшбандия тариқатининг охирги давлардаги кўринишларидан фарқли

<sup>107</sup> гом - Қадам

<sup>108</sup> тавф — тавоф қиммоқ

<sup>109</sup> ихфо - яширмоқ

бўлиши табиий эди. Лўнда ифодалайдиган бўлсак, у сулук аҳдининг олти тоифасини бирлаштириди. Ҳар бир тоифанинг номаъкул томонларидан воз кечиб, эътиқод ва Расулуллоҳ суннатларига асосланган умумжамият суфия тариқатини тарғиб этди. Сўфи Оллоёр тасаввуфнинг даврлар ва замонлар келтириб чиқарган парчаланишлардан, салбий ўзгаришлардан тозалаб, замондошларига ўрта йўлни кўрсатган буюк ислоҳотчи сифатида майдонга кирган дейиш мумкин. У:

**Киши учқон била суйи самовот,  
Таварруъ<sup>110</sup> қилмайин бўлмас камолот.  
Валий улдир, чиқарса мосувони<sup>111</sup>,  
Ҳаводинидур талаб қилмоқ ҳавони<sup>112</sup>.  
Наби табиатидур «Риштай ҳубб»<sup>113</sup> -  
Вараъ қилмоқ, Камолоту Тақарруబ<sup>114</sup>! -**

деганда айнан шариат қонунларига событ эътиқода бўлган Ҳожагон авлиёуллоҳларни назарда тутади, албатта. Зоро, унингча, суфийликдан мақсад Ҳақни кўриш ёхуд унга қўшилиш эмас, балки Оллоҳ маърифати, унга муҳаббат қўйиш, унга амалда бўйсуниш ва нафс тарбияси орқали Унинг муҳаббатини қозонишидир. Сўфи Оллоёр таълимоти бўйича, маърифат икки хилдир: «маърифати Зот» ва «маърифати Сифот». Маърифати сифотнинг ниҳояси бор. Аммо маърифати зотнинг охири йўқ. Ҳеч бир амал билан уни охиригача билиш мумкин эмас. Инсон олам инқизозигача ривожланиб, камолот топиб борган тақдирда

---

<sup>110</sup> таварруъ { вараъ } – парҳиз, ёмон ишлардан, гуноҳлардан сакданиш, покдомонлик

<sup>111</sup> мосуво –бегона, дунё ҳою ҳаваслари маъносида

<sup>112</sup> Бу мисранинг маъноси "булутни чақириш (ёмғир ёғдириш) билан ҳалқа ўзининг нимага қодир эканлитини намойиш қилиш - нафс истаги, иззатталаблик" бўйич, бизга маълум машҳур маноқиблерда улут авлиёларимизнинг ҳақ қароматларини тарғиб қилинишига Сўфи Оллоёр салбий муносабатда бўлганлигини билдиради. Чунки бу авлиёлар ҳаётлик пайтларида ўз қароматларини тарғиб этмаганлар ва бунига қарши бўлганлар

<sup>113</sup> риштай ҳубб – муҳаббат тори. Оллоҳга боғланишнинг йўли маъносида

<sup>114</sup> тақарруб – Оллоҳга яқинлик пайдо қилиш маъносида

ҳам Аллоҳ зотини била олмайди. Илохий ишқни мақсуди аслий деб уринган одам бора-бора йўлда адашади. Улуғ мутафаккир асл суфийлар қуидаги фазилатларга эга бўлиши керак деб ҳисоблади:

Дилу жон бирла бўлган ошиқи зор  
Хилофи ҳукмин этмас зарраи кор.  
Буюргон ишларин шодию ғамда  
Қилур бирдек фароҳатда, аламда  
Агар тўлдирсалар ерни юзини  
Қизил тилло билан, солмас кўзини.  
Бало ўқи қадалса урмагай оҳ,  
Қилич бошига келса бузмагай роҳ.  
Кишиким қилса ошиқликнинг лофин,  
Қилурми ҳеч маъшуқин хилофин. (163-б.)

Шуни ҳам эътиборга олмоқ лозимки, Сўфи Оллоёр суфийларни улуглаганда, асосан, Х асргача ислом тарихида тақво ва парҳезкорлиги билан машҳур бўлган сиймоларни назарда тутади. Бу унинг кўп ўринларда “Тариқи Мустафо” деган номни тилга олишида ҳам кўринади. Шу ўринда Сўфи Оллоёр исломнинг мумтоз ахлоқий нормаларини жамиятга олиб киришга урингани ҳақида илгари сурган тахминимиз ҳам муайян тасдигини топади.

“Сабот ул-ожизин” нинг иккинчи қисми ана шу тариқат одблари ҳақида умумий тушунча беради. Бу қисм “Шайхи комил истамакнинг баёни” боби билан бошланади. Унда суфий эътиқоди асослари ҳақида сўз юритилади ва ўша даврда ҳалқ жуда илониб қолган «авлиёлар» - бидъат тариқатлар пирлари риёкорлиги фош этилади. Оддинги қисмда Сўфи Оллоёр ақидани ўрганиш ҳақида қаттиқ огоҳлантирган бўлса, энди устозларча тушунтириб ўтади.

Сулукнинг асосий шарти имон илмини мукаммал ўзлаштириш ва унга амал қилишдир. Сўфи Оллоёр уни бир дарахтга ўҳшатиб, шоҳи эзгу ишлар-Аъмол, пўстлоғи-Тақво, яъни ҳаром ва шубҳали қадамлардан сақланиш, меваси Илми Ҳол, яъни тасаввуфdir, деб таъриф беради. Суфий, биринчи навбатда, диёнатли бўломоги даркор. Диёнат Имон илмининг бех-томири бўлиб, томири бўлмаган дарахтга сув беришнинг фойдаси йўқдир. Унбу дарахтнинг асоси мустаҳкам, шоҳлари осмонгача кўтарилган. Унинг мевасини кўлга киритмоқ йўлини, унинг паст-баландини билган ўргатади:

Диёнат бехидур илми ақоид  
Томурсиз шоха сув бермак на фоид.  
Бу маҳкам туб шажарни шохи Аъмол  
Либоси бўлди Тақво, меваси Ҳол.  
Ажаб аслики фаръи фис-самодур,  
Чиқорур ҳодии илм-раҳнамодур. (208)

Илм тасаввухнинг асосидур. Эътиқоднинг мустаҳкам бўлиши унга боғлиқ. Тариқат пирисиз Ҳақни топмоқ мушкулдир:

Бидуни илм агар қўйсанг анга пой  
Тойиб кетсанг сани аҳволингавой.  
Илиқка домани ҳодии илм ол,  
Чиқиб шояд егайсан меваи Ҳол.  
Ажабдур ердаги турғон амога<sup>115</sup>,  
Узатур илкин асмари самона. (209-б.)

Ажабким, кўзи ожиз киши осмонга қўл узатиб неъматлар талаб қилур. Демак, кўзи кўрмаса-да, осмон куцифотларини билиб турар. Ибодатларни қилишдан ожиз бўлган мажруҳ одам ҳам ботинда ибодат қиласи. Дин ўрик кабидурки, унинг пўсти (зоҳирий ибодатлар) ҳам, мағзи (ботиний ибодатлар) ҳам бирдек лаззатли:

Заифе этса бе фиқҳи зарури  
Муяссардур анга тоат сурури.  
Ўқу билмаса зоҳир лафзи Қуръон  
Нечук тафсирини билгай ул инсон?  
Эрур дин илми чун зардолу эй дўст  
Мулаззаздур ани мағзи ҳам пўст. (209-б.)

Диний илмларнинг боши Қуръон ўқишини ўрганмокдир. Толиб Қуръон ўқиса, ўқищдан бир лаззат, маънисидан яна бир лаззат туди.

Илмнинг иккинчиси фиқҳдир. Фиқҳ Қуръони карим ва Расулуллоҳ суннатларига амал қилишдаги шаръий ҳукмлардир. Шариат истилоҳидаги таърифи шаръий далиллардан фаръий ҳукмлар чиқаришдир. Бу фаръий ҳукмлар ибодат ва муомалот тартиб-қоидаларидан иборат бўлиб, исломда бир неча сунний мазҳаблар доирасидаги ҳудудий бўлинишда ривожланиб борган.

<sup>115</sup> амо — кўзи ожиз

Сүфи Оллоёр асрлар давомида Ўрта Осиёда маъмул бўлган ҳанафия фикҳ, мактаби анъаналарига содик ўлароқ, маънавий таназзул туфайли дарз кетаётган ибодат ва муомала масалаларини тартибга солишга жиддий ҳаракат қилган. "Маслак ул-муттақин" нинг деярли ўн минг байти таҳорат, намоз ва закот масалаларига бағишлангани шундан далолат беради. Илк факиҳ Мұхаммад алайхиссаломнинг ўзлари бўлганлар. Ашараи мубашшара (жаннатий деб башорат қилинган ўн саҳоба) ва барча мазҳаббошилар, буюк авлиёуллоҳлар комил фақиҳлар бўлиб, шариат аҳкомларига қатъий риоя қилганлар. Расулуллоҳ ўз ҳадиси шарифларида "Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни факиҳ қилиб қўяди" деганларида Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг севгандан бандалари фаръий ҳукмларни тушунган ҳолда ибодат қилишларини назарда туттганлар. Худди шу каби Сўфи Оллоёр ҳам ҳар бир суфий факиҳ бўлиши лозимлигини уқтиради. Фиқҳни ўрганиш војиблигини таъкидлайди :

**Биродарлар, будур бу қулни арзи,  
Вали бўлғайму қилғон тарки фарзи.  
Эрур фикҳи зарури фарзи айни  
Ёмондур турфа нодонлигинг шайни<sup>116</sup>.  
Бу тарк узра бўлур тарки фаройиз,  
Нечук бўлгай Вали, тингла оройиз!(210-б.)**

"Илм ўрганмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздири"-<sup>117</sup> дейилади ҳадиси шарифда. Сўфи Оллоёр шариатни инкор этувчи диний илмлардан бебаҳра инсонларни «Валий» деб эътиқод қилишни қаттиқ қоралайди:

**Анингдек телба касни, эй нақу зот!  
Вали билма, агар кўрсанг күшуфот!  
Юмуб кўз, уйқуда кўрган била кас,  
Вали билмас они марди суханрас. (210-б.)**

Ҳақиқий Пир Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан кўрқувчӣ, фикризикри доимо Аллоҳга бандаликни жойига қўйишда ҳозир бўлган кишиидир. Сўфи Оллоёр пирнинг ҳам, муриднинг ҳам асосий

<sup>116</sup> шайн – беобрў қилмоқ

фазилатлари қандай бўлиши ҳақида аниқ кўрсатма бериб ўтган:

**Не яхши ёр ўзин билса гуноҳкор,  
Бўлур кўрган сари қўрқинчи бисёр.  
Агарчи бўлса кўп пинҳон сужуди  
Кўрунмас заррача ориф вужуди.  
Ризойи Ҳақ аниг мақсади бўлса,  
Ҳаёву илму ҳилм жуди бўлса.  
Аниг ихлоси қуллуқ бўлсаю бас  
Риёдин бўлмаса кўнгилда бир хас.  
Жамиъи ишларин солса Худоға  
Кўлин топшурса ул Ҳоди ризога. (211-б.)**

Камтарлик соликнинг биринчи сифати бўлмоғи лозим.  
Эгалдаган илмидан манмансираган суфий шарманда бўлиши  
тайин:

**Кел, эй оқил, буюрсанг ақлинг ишга,  
Ўзунгдин кетмагил доно демишга.  
Агар чандики бўлсанг қутби аброр,  
Дегил: не донишим, не да ишим бор. (215-б.)**

Яна бири илмли бўлмоқдир. Ундан мақсад ҳалққа илмни пеш  
қилиш эмас, балки Ҳақ ризоси йўлидаги меҳнат, Оллоҳни топиш  
йўлидаги восита деб билишдир:

**Ўқурдиндур бараз Тангри ризоси,  
На ул илмики бўлгай ҳалқ изоси.  
Ёниб келганда меҳнат шамъи эй ёр,  
Ёниб тутма ҳаво бодига зинҳор! (217-б.)**

Сўфи Оллоёр Ҳудони танимок, унинг кушуфоту зуҳуротини  
кўришга умидвор бўлиб, турли суфия тариқатларига кираётган,  
пирларга эргашаётган одамларни қораламайди, аммо, аввало, илм  
ўрганиш, эътиқодни мустаҳкамлаш, вужуд ва қалбни риёдан ҳолос  
этмоқ, Расууллоҳ ҳулқи билан зийнатланмоқ лозимлигини  
таъкидлайди. У суфийнинг энг катта жинояти, гуноҳини  
риёкорликда деб билади. Зоҳирда суфий бўлиб, ботинда фахшу  
зийнатга мойил бўлиш ўзни охират азобларига маҳкум этишдир,  
деб ҳисоблайди:

**Деди пайғамбаре оламға ҳодий:**  
**“Эрүр дүзахда бир шиддатли водий**  
**Үшал водийни “Жүбб ул-хузн” оти**  
**Риёлик қорилар жойи у водий.**  
**Жаҳанинам кунда тұрт юз қатла андин**  
**Павоқ истар худойи зул-минаңдин.” (219-б.)**

Улуғ мутафаккир Қуръон ва Расулуллоҳ таълимотидан келиб чикиб, РИЗҚ масаласида чукур мулоҳаза қилиб күришгә ундаиди. Бу дүнёда барчага ўлчовли ризқ улашилгани, уни ошириш ҳам, камайтириш ҳам банда ихтиёридан ташқари эканлиги таъсирчан сатрларда тушунтирилади:

**Худойинг ҳар на берса, қыл қаноат,**  
**Юракни қилма миннатдин жароҳат.**  
**Юғурсанг кунда бир қаду учун чанд<sup>117</sup>,**  
**Бухоро ўлкасидин то Самарқанд.**  
**Бадаҳшондан құтарсанг юз сари тош,**  
**Баҳоси Балх ичида бўлса бир мош.**  
**Агар боши билан ҷоҳ қазса банда,**  
**Кўзининг ёшича сув тобса анда.**  
**Вагар қазса арии киприқ била мард,**  
**Агар бир хўши жав қилса парвард.**  
**Бу меҳнат бирла тобсанг парчай нон**  
**Кишини миннатидан улдур осон.**  
**Қидирғон бирла ризқият қатра тошмас,**  
**Кетар қадаринг қадардин ҳаргиз ошмас. (181-б.)**

Инсон тирикчилик ғамида ўзини нохуш амалларга урмасдан Оллоҳ субҳонаху ва таолога таваккул қилса ҳар икки дунё саодатини қўлга киритишига ишонтирилади:

**Кел, эй ошиқ, қўнгилни айлагил бир,**  
**Тариқи каъбаи мақсадингга кир.**  
**Нечук бўлғай, дебон андиша қилма,**  
**Таваккул айла, ўзга пеша қилма! (227 )**  
**Етар охир таваккул айлаган қул,**  
**Таваккул қил, таваккул қил, таваккул!**  
**Эрүр бир ихтиёри жузъий сандин,**

<sup>117</sup> чанд – неча бор

**Талаб қылғонига еткүрмак айдін.**

Қүйидаги сатрларда эса Сұғи Оллоёр масалани кескинлаштириб, ҳаром тамаъга, юз жинояту хиёнатта құл уриш билан, барибир, Оллоқ белгилаб қўйган ризқдан ўзгаси насиб этмаслигини таъкидлайды:

**Азиз жон чиқмаса қолибларидин,  
Камаймас неъмати Ҳақ лабларидин.  
Саноғлиқ умридин то жон туганмас,  
Яқин билгил, оғиздин нон туганмас.  
Фараз<sup>118</sup>, ҳар қайда, эй фарзанди одам!  
Саноғлиқ рўзи, ҳаргиз бўлмагай кам.  
Кишини бўлса мундоғ эътиқоди,  
Анга бўстон эрур ҳар қайси водий. (229)**

Бунинг ўрнига Оллоҳдан ҳожатини сўраш, унга таваккул қилиш ҳар бир мўъминнинг вазифаси бўлиши кераклигини эслатади:

**Таваккулдин кишиким, олса баҳра,  
Қачон заҳра<sup>119</sup> урар, ғарқ, ўлса заҳра.  
Ема рўзи ғамин ҳеч ерда, эй ёр,  
Ким асроринг билур ул яхши Асрор!  
Худоға қисса ҳар ким хўб таваккул,  
На ерда бўлса, зойиъ бўлмас ул қул. (231-б.)**

"Сабот ул-ожизин"да жамият тарбиясининг ўзак қоидалари бўлмиш ҳалоллик, гўзал ахлоқ ва меҳр-оқибатни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Сұғи Оллоёр Қуръон таълимити ва Расулуллоҳ ўйтларини шеъргасолар экан, яхши хулқли инсонгина Оллоҳ файзидан баҳраманд бўлишини эслатади:

**Кўнгил ҳақ файзига бўлсин десанг чок,  
Ки аввал мартаба хулқингни қил пок. (237)**

Ҳаромдан сақланиш - дарвишнинг аъло фазилатидир. Ҳаром луқма - ҳаром ийл билан топилган луқмадир! Ҳалоллик касб қилки, тоатинг қабул бўлғай:

---

<sup>118</sup> фараз — хуллас маъносида

<sup>119</sup> заҳра - ҳадик

Ема зарра ҳаром оғушта иондин,  
 Бўлур ҷоҳи најас бир қатра қондин.  
 Ҳаром оз бўлса ҳам кўпдур ёмони,  
 Самони бўлса ҳам билгил сам<sup>120</sup> они.  
 Қаю тоатки ул марзои рабдур,  
 Яқин бил, қуввати луқма сабабдур. (238-б.)

Ҳаром - бу, фақат манъ этилган егуликлар эмас, балки манъ этилган хулқлардир ҳам! Бирорни ҳақоратлаш, гийбат қилиш, фисқ-фасод тарқатиш - тиддан келадиган оғатлардир. Куйидаги ўтли мисралар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

Ёмон тил гоҳ сарғартиур юзингни,  
 Тубан бошингни, термултирап кўзингни.  
 Ёмон тил икки оламда зараптур.  
 Гаҳи исён, гаҳи хавфу хатардур.  
 Ёмон тил шумлиги, ки жонга ургай,  
 Гаҳи жондин ўтиб иймонга ургай.  
 Мусулмон ўғлива яхши қилиқ қил,  
 Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.  
 Оғиздин соч еринда дурри маъни,  
 Агар бўлмаса хомуш айла яъни.  
 Агар бўлмаса санда сўзга етмак,  
 На давлатдур сукут этмак, эшитмак!  
 Қулоқ солма, vale бемаъни сўзга,  
 Эшитсанг қўб у ердин ўзга ерга.  
 Киши санчиқ, сўз айтса сан чиқ ондин,  
 Ямондин қоч, ямондин қоч, ямондин! (249-б.)

Меҳр-оқибат ҳар биримизнинг ўзаро муносабатларимизда кўринмас экан, бу фоний дунёга ҳануз асир эканлигимииздан далолат беради. Бойликни киши топмайди, у Худонинг иноятидир! Инсон шам янглиғ бирорларни ёритиш учун ўзи камайиб бормоғи лозим. Меҳр-оқибат кўрсатиш-имондандир. Улуғ суфий ёзади:

Киши молинки беэҳсон емасдур,  
 Худони фазлидур, дунё эмасдур.  
 Кишини эътиқоди бўлса солим,

<sup>120</sup> сам - заҳар

Демас гўру кафаникдур бу молим.  
Карамлик бандаси гар бўлса чўлда,  
Ичар-ер<sup>21</sup> бўлмаса бир зарра қўлда.  
Қўпуб ўлтиргали қолмай мажоли,  
Ҳалокат палласига етса ҳоли.  
Агар кўз ёшича сув топса анда,  
Қилур ярмини эҳсон яхши банда.  
Топилса луқмаи жону жигардин,  
Дарис этмас ани ёру дигардин.  
Карамлик бандага ёлкиз еган ош  
Билур хок оғзида, балки билур тош.  
Қаро сув ичсалар икки бародар  
Кўрар шарбатча, балки оби Кавсар.  
Ики ҳамдил еса луқмаи нондин,  
Сучук билгай асалдин балки жондин.(281-6.)

Манманлик ва кибр риёкорликни келтириб чиқарадиган энг палид  
феъллардир, дейди Сўфи Оллоёр. Тоатни хушуъ билан бажарсангу  
сўнг бу билан мағрурлансанг, бу ҳам гуноҳ. Тоат суфийни Ҳақ  
субҳонаҳу ва таолога яқинлаштираса, кибр узоқлаштиради:

Кўзунгдин айла ғафлат уйқусин дур,  
Ва лекин бўлмагил тоатга мағрут.

Комил бўлай десанг, ўзингни хор тут, кибрга қарши тавозеъни  
касб қил. Даражтнинг меваси қанчалик кўп бўлса, шунчалик эгилиб  
туришидан ибрат олмайсанми?

Агар чандики гавҳарпорадурсан,  
Яқин бил, бандай бечорадурсан.  
Ҳамиша бандадандур зори қилмоқ,  
На ҳаддур, бошини юқори қилмоқ.  
Тавозуълик бўлиб, туттил ўзинг кам,  
Шажарким<sup>22</sup> бўлса мевалиқ, бўлур хам.  
Теракким, ул кўтарди юқори бош  
Самарсиз бўлди, кўрдингму они фош?  
Кишиким, хоки раҳдур, бериёдур,  
Яқин билгилки, кўзга тўтиёдур. (224-6.)

<sup>(21)</sup>ичар-ер – егулик маъносида

<sup>(22)</sup>шажар – дарахт

"Сабот ул-ожизин" ни ўрганиш китоб мавзу жиҳатидан икки қисмта бўлинганини кўрсагади. Биринчи қисм даъват қисми бўлиб, унда ҳалқни уйку-гафлатдан уйғонишга, товба қилишга, Ҳақ йўлига қадам кўйишта, Расууллоҳ суннатларига қайтишга чакириш етакчилик қиласа, иккинчи қисм - муҳаббат тариқатига қадам кўйган солик касб этиши керак бўлган фазилатлар, тариқат одобига бағишлиланган. Иккинчи қисмни мавзу нуқтаи назаридан олдингисидан ажратиб турадиган аҳамиятли белгилар, ҳатто ҳар бир манзуманинг матласида келтирилган Ҳақиқат изловчиларга нисбатан ишлатиладиган "солик", "суфий", "оқила", "зоҳид", "ошиқ", "дарвиш", "мўъмин", "озода", "содик", "нозир", "комил" атамаларининг биринчи қисмда учрамаслигидә ҳам кўринади. Бу мушоҳадалар "Сабот ул-ожизин" асари мутафаккирнинг таблиғ-тарвиж ишлари босқичларида изчилиб ёзиб борилгани ҳамда шахс мафкура ва маънавиятини поғонама-поғона ислоҳ этиб боришнинг аниқ дастурига асосланганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Сўфи Оллоёр ўз олдига кўйган буюк мақсадга яшаган замонасида қай даражада эришди, буни аниқ айтиш қийин. Зотан, ҳалқ маънавиятини қисқа муддатда ислоҳ этиш - мураккаб вазифа. Бундан ташқари, шу даврларда ҳукм сурган сиёсий бошбошдоқлик ва ялпи қонунсизлик натижасида «жилови бўш кўйилган» оломоннинг панд-насиҳатта осонликча қулоқ тутмаслигини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Сўфи Оллоёр умрининг ниҳоясида кент тарғиботчилик фаолиятидан воз кечиб, кимсасиз Вахшивор мавзесида зоҳидона ҳаёт кечирганлигини шу билан изоҳласа бўлар.

Бироқ, тарих ҳақиқати кузатилганда, Сўфи Оллоёр боялари астасекин жамият томонидан қабул қилиниб борганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг асарлари XVII-XVIII асрлар Ўрта Осиё ижтимоий ҳаёти руҳиятини ифодалаган ва жамият маънавиятини соғломлаштиришга катта улуш кўшган дастурий кўлланмалар сифатида тан олинган. Шаҳ даврлардан эътиборан "Маслак ул-муттакин" ва "Сабот ул-ожизин" асарлари мадрасаса ва ҳужраларда таълим-тарбия дарслиги сифатида ўқитилиб, авлодларнинг шу мафкура руҳида маънавият касб этиши таъминланган. "Сабот ул-ожизин"ning маърифатта чанқоқ ҳар бир хонадонда Куръони карим билан бирга сақланиб келганлиги, турли-туман китобхонлик давраларида, чўпон-чўлиқ гурунгларида, маърака-тадбирларда мутолаа қилиш одат бўлиб қолганлиги юқоридағи мулоҳазаларни яна бир карра тасдиқлайди.

## **ХУЛОСА**

1. XVII аср Мовароуннаҳр тарихида энг зиддиятли даврлардан ҳисобланади. Айниқса, сиёсий-ижтимоий муҳит таназзули унга атрофлича баҳо беришни тақозо этади. Бизнинг тадқиқотимиз унинг факат бир томонини, омма маънавиятидаги таназзул жараёнини ўрганишга бағишлианди. Бу давр маънавиятига қаттиқ салбий таъсир кўрсатган асосий омиллар қўйидагиларда кўринади:

- Нақшбандия тариқатининг XVII асрда яққол кўзга ташланган сиёсийлашуви оқибатида унинг халқни тарбиялаш вазифаси иккинчи даражага тушиб қолгани сезилади. Тариқат пирларининг таҳтга ўтириши ва, табиийки, тариқат аъзолари-суфийларнинг амалдорларга айланиши, албатта, уларни дунё ишларига боғламасдан қўйимас эди. Суфийларнинг давлатни бошқариши омма ўртасида "тариқатта кириш-хос имтиёзларга эга бўлиш" кайфиятини шакллантириши равшан эди. Натижада тариқат ва оддий халқ ўртасида маънавий жарлик пайдо бўлган.

- XVI аср давомида Даشتி Қипчоқ саҳрои ўзбекларининг Мовароуннаҳр даشت зоналарига кириб жойлашиши ва ўтроқлашиши жараёнида улар олиб кирган хурофий урф-одатлар, олдинги эътиқодий қарашларнинг кучли таъсири, жангари тарафкашлик ва қабилавий-уруғчиликнинг таассубий кўринишлари мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётига жиҳдий салбий таъсир кўрсатди.

- Бир томондан, Нақшбандия таълим-тарбия анъаналари руҳида тарбияланиб, улуғ пир-Валийларга нисбатан чексиз эътиқодда бўлган туб туркий ва форсийзабон аҳолининг нақшбандияниянг халқдан узоқлашуви натижасида маънавий бошқарувсиз қолиши, иккинчи томондан, саҳрои янги ўзбек қатламиининг анъанавий Мовароуннаҳр маданияти ва маънавиятини ўзлаштириб улгурмагани ва, учинчи томондан, шу даврда мамлакатда хукм сурган сиёсий бекарорлик оқибатида жамиятда зулм, пораҳўрлик, талон-торож, фаҳш-разолат каби иллатларнинг илдиз отиши Ҳиндистон, Эрон, Йроқ худудларидан бидъат тасаввуф ғояларига эга бузғунчи гуруҳларнинг Мовароуннаҳрга кириб ҳеч бир қаршиликсиз кенг аҳоли

қатламларини ўз мафкуралари таъсирига осонликча тортишларига қулай шароит яратиб берди.

2. Бу ҳолатлар жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида таназзул жараёни бошланганлигидан дарак бера бошлади. Аҳолининг хушёр қисми ўртасида бу вазиятдан безоваталик бошланиб, инқироздан кутулиш чорасини излай бошлаган. Сўфи Оллоёр ана шу тарихий вазифани ўз зиммасига олган буюк фидойи ватанпарвардир.

У ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлашти-риш, омма мафкурасини ёт унсурлардан тозалаш, ислоҳ қилиш бўйича **Эътиқодни мустаҳкамлаш ва Эътиқоди мустаҳкам Комил инсонни тарбиялаш яхлит дастурини ишлаб чиқди.**

3. аънавий ислоҳот дастури икки йўналишда иш олиб боришга асосланади. Бири – “авом ун-нос”, яъни оддий ҳалқ орасида изчил тарғибот ишларини олиб бориш, иккинчиси, жамиятнинг зиёли табақаси орасида тушунтириш ишларини жонлантириш орқали амалга оширилади. Дастур, асосан, оддий ҳалқ мафкурасини тузатишига қаратилган. Оддий ҳалқقا юриш ҳам икки босқичда амалга оширилган. “Даъват” босқичида Сўфи Оллоёр ва унинг маслақдошлари ҳалқнинг сүфия тариқатларига нисбатан чексиз эътиқодини ҳисобга олиб, ўзларини «суфий», йўлларини «тариқат» деб атар эканлар, ҳалқни ўз сафларига қўшилишга даъват этганлар. Ушбу йўналишда муайян натижаларга эришилгандан сўнг “ахлоқ ва нафс тарбияси” босқичида омма онгига тариқат одоби, яъни Комил инсон маънавияти мафкураси сингдирилган.

4. Унинг тарбия усуллари куйидагиларга суняди:

- Таълимотни ҳар қайси этник қатламнинг она тилида содда, ҳалқчил баён этиш (ўзбек, тоҷик ).

- Ҳар бир табака, тоифа, қатламнинг онги, фикрлов даражаси ва хос хусусиятларидан қатъи назар тезлик билан сингувчи умумий таъсир воситаларини қўллаш (нариги дунё азобларидан огоҳлантириш).

- Таълимотни сүфия тариқатларида қабул қилингани каби маҳсус хонақоҳ, зовия ёки работларда эмас, балки масжиidlар ва мадрасаларда, маъракаларда, ҳужра гурунглари ва китобхонлик давраларида слив бориш.

- Шахсий намуна.

5. Сўфи Оллоёр бир тарафдан шаҳар аҳолиси орасида тобора авж оләётган диний нодонлик ва жаҳолат, бидъат ва фаҳшга майиллик, иккинчи тарафдан, жангари тарафкашлик ва қабилавий таассусбга мойил дашт аҳолисининг тасаввуфий қарашларга кўр-кўёна эътиқодини ҳисобга олиб, уларнинг тафаккури, маънавияти

ва турмуш тарзини асрлар давомида жамиятнинг бош мафкураси бўлган Расуллурроҳ суннати ва Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби асосида асл ўзанига қайтариш, ўзбек уруғ-қабилаларини ўзаро келишишириш, Ватан тинчлиги ва осудалигига ҳавф солиб турган ва ташки босқинларга қулагай имконият яратиб берадиган ижтимоий парокандаликни бартараф этишга интилди. Шу нуқтаи назардан у Х асрларча машҳур бўлган мумтоз суфий мутафаккирларнинг (ўз даврида кўпчилик илоҳиётчилар, жумладан, Абу Мансур ал-Мотуғидий, Ҳаким Самарқандийлар ҳам суфий деб юритилганини назардан қочирмаслигимиз керак) таълимотини асос сифатида олиб, унга кейинги даврларда мазмунан бойитилган унсурларнинг баъзиларини кўшган ҳолда шариат ва тариқатнинг омихталашган, ҳар иккала томон учун ҳам мұттадил бўлган янги кўринишини тарғиб этди.

6. Сўфи Оллоёр алоҳида янги тариқат яратиш фикридан йироқ бўлган. Унинг мақсади бутун жамиятни бир тариқат байроғи остида бирлаштириб, ёт мафкураларга қарши курашга йўналтириш эди. Унинг ижодида XV асрдан эътиборан суфийларга берилган рухсатлар, жумладан, мол-мулк йигиши (Хожа Аҳрор), хонлар тарбияси (Махдуми Аъзам), маноқиблар ёзиши, Вали пирларни улуглаб, илоҳиёлаштириш, маънавий силсилаларни кужжатлаштиришга мойиллик асло сезилмайди.

7. Сўфи Оллоёр суфийлик ҳар бир шахснинг камолотга эришув усули бўлиши ва Ҳаққа риёсиз ва гаразсиз эътиқоди билан белгиланишини тарғиб этади. Унинг ўзи бу масалаларда, том маънода, шахсий намуна кўрсатди. Унгача ўтган барча буюк суфийлар, муршидлар ҳақида маноқиблар ёзилаган. Улар валиуллоҳ муршидларга эмас, кўпроқ уларнинг халифалари ва издошларига, маълум сабабларга кўра, зарур бўлган кўриниади. Сўфи Оллоёрда ва унинг халифалари, издошлиарида бу интилиш йўқ. У бирор силсилада қайд этилишини хоҳламаган. Қабри устида мақбара бунёд этишни, ўзи ҳақида маноқиб ёзишни манъ этиб кетган. Вафотидан сўнг ҳалқнинг унинг қабрига сифиниши эҳтимолига қарши қабрнинг аник жойини сир сақлашни васият қилган.

8. Сўфи Оллоёрга нисбатан бутун биз қабул қилган «тасаввуф намояндаси-суфий» истилоҳ-тушунчасини татбиқ, этиш тўғри эмас. У ҳақиқий ҳанафийчи, эътиқоди бутун илоҳиётчи олимдир. Аммо унинг шогирду фарзанд, ихлосмандларидан тил ва дил, илм ва амал, ботин ва зоҳир бирлигини талаб қилганлиги ва РИЁСИЗ яшашда ўзи ибрат кўрсатганлиги унинг БҮЮК СУФИЙ

номини олишига сабаб бўлди.

9. Сўфи Оллоёр тарғиб этган таълимот юяси "жамият - бир тариқат ва ҳар бир киши-суфийдир" бўлиб, у Эътидол (Ўрта Йўл) тариқати сифатида машҳур бўлди. Унинг "Мурод ул-орифин" асарида ана шу таълимот илмий баён этилган<sup>123</sup>.

10. Юқорида айтилганлар асосида Сўфи Оллоёрни XVII-XIII асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни минтақалар, шунингдек, Волгабўйи мусулмонлари ўртасида ҳанафийлик анъаналарини қайта тирилтиришга катта ҳисса қўшган буюк илоҳиётчи олим деб ҳисоблаш мумкин.

11. Гарчи Сўфи Оллоёр ҳаётлик чоғида ўз меҳнатининг тўлиқ, самарасини кўрмаган бўлса-да, омма маънавияти тараққиётида янги даврга асос соглани аниқ. Ўзининг риёсиз ҳаёт тарзи, илмамали, дунёқарashi ва фалсафаси, шунингдек, таъбир жоиз бўлса, дунёни ларзага келтирган фарёди билан бутун жамият - олиму уламолар, пиру муридлар, устозу шогирдлар, шариат пешволарию дарвиш-қаландарлар, шоҳу гадо, барчанинг дунёқарashiда туб бурилиш ясади. Жамиятни уйқудан уйгота олди. Хушёр тортган жамият уни шунчалик улуғладики, бу улуғ валийларга насиб этган мартаба эди. Миллат фарзанди унинг ғоялари таъсирида тарбияланиши мұхим шартга айлантирилди. Мадраса таълими тизимида ҳар бир ёшнинг саводи "Сабот ул-ожизин" билан чиқиши шарт қилиб қўйилди. "Сабот ул-ожизин"нинг нисбатан яқин даврга мансуб турк тилидаги нашрларидан бирида Сўфи Оллоёр "Туркистон ифтихори" дея улуғланар экан, "отабоболаримиз томонидан Қуръони карим муттолаасидан сўнг дарс бериладиган энг машҳур китобларимиз Вафоййинг "Равнақ ул-ислом" ва Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" асарлари"dir<sup>124</sup> деб таъкидлангани бежиз эмас.

<sup>123</sup> Бу ҳақда рисоламизниң иккинчи қисмида баттағсил тўхталашиб.

<sup>124</sup> Сабот ул-ожизин. Сўзбоши, Техрон, 3-бет

## ·МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
I боб. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва илмий-адабий мероси .....	6
II боб. Сўфи Оллоёр ва давр .....	17
Маънавий муҳит инқизоризи .....	17
III боб. Сўфи Оллоёр буюклигининг сири .....	30
Буюк даъват .....	30
Ахлоқ ва нафс тарбияси .....	39
<b>Хуноса .....</b>	<b>74</b>

**Техн. мұқаррір**      **С. Смирнов**

Босишта 2001 йил 25 октябрда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Шартли босма табори 5,5  
Нашриёт ҳисоб табори 4,7. Адади 500 нусха. Буюртма  
Нархи шартнома асосида.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 700000,  
Туроб Тўла кўчаси, 1.

Оригинал макет Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг  
компьютер марказида тайёрланди.

"Patent-Press" шуъба корхонасининг босмахонаси, 700047,  
Тошкент шаҳри, "Тўйтепа" кўчаси, 2а